24 296

СЎНГГИ СОАТДА

ТОМДИБУЛОҚДА ЯНГИ МАРКАЗ

НАВОИЙ. Туман маркази - Томдибулоқда иқтисодий ислоҳотлар кўзга ташланмоқда. Сейсмолог олимларнинг таклифи билан Томдибулоқда қурилиш ишлари олиб бориляпти. Янги марказ қурилиши зарбдор иншоотлардан саналади. Икки йилда элликдан ортиқ оила ҳовли тўйлари ўтказди. Мактаб ва боғча болалар билан гавжум. Туман ҳокими А. Назаров таъбири билан айтганда, 2000-йилгача аҳоли ушбу янги марказга тўлиқ кўчирилади.

Музаффар ШАРОПОВ.

"ДАМАС" ВА "ТИКО" ТАКСИЛАРИ

АНДИЖОН. ЎзДЭУАВТО заводида ишлаб чиқарилган 32 та "Дамас" ва 6 та "Тико" автомобилларини сотиб олган Ўзбекистон - Россия "Андор" қўшма корхонаси йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишни яхшилашга ўз ҳиссасини қўшди. Боиси "Дамас" микроавтобуслари ҳамда "Тико" енгил машиналарида такси хизмати кўрсатилмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

ИПАК ЙЎЛИГА АХБОРОТ НАЗАРИ

ТОШКЕНТ. "Ёшлик" аренасида Буюк ипак йўлини замонавий ахборот технологияси асосида шакллантиришга бағишланган кўргазма давом этмоқда. Кўргазмага "Турон", "Каноатсервис", "Компьютер Осиё" каби ўнлаб фирмаларнинг маҳсулотлари қўйилган. Бу тўртинчи технология миллий кўргазмаси бўлиб, уни ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси, ЦМИ инновация фирмаси, "Компьютер Осиё" илмий-техник парки ҳамкорлик қилишди. Мақсад замонавий компьютер техникаси, ахборот тизимлари, дастурлар таъминоти, телефон станциялар, уяли алоқа, нусхалаш ва матбаачиликка оид ускуна ва қурилмаларни намойиш этишдан иборат.

Давлатбек АҲМЕДОВ.

ОБУНА УЧУН ШАНБАЛИК

ХОРАЗМ. Вилоят ҳокимлигининг республика вилоят ҳамда туман рўзномаларига ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, 1997 йил учун обунани уюшқоқлик билан ўтказиш ҳақидаги қарорига асосан матбуотни қўллаб-қувватлаш мақсадида шанбалик ўтказилди. Ушбу қарорга жавобан ўтказилган умумхалқ тадбирида вилоятдаги барча меҳнат жамоалари, билим юртлари, маданий-маиший муассасалар ходимлари, талабалар ва ўқувчи-ёшлар фаол қатнашиб жамғарма ҳисобига маълум улушларини қўшдилар.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК

ФАРҒОНА. Халқимизда меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, деган гап бор. Бу борада Қўқондаги 2520 -автожамланма ихтирочилари ва рационализаторлари саъй-ҳаракат қилишмоқда. Хусусан, техника ҳавфсизлиги муҳандиси Г. Цейконинг ёғ босими қозонларини мукаммаллаштириш бўйича берган таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этиш билан 28 минг сўм иқтисодий самара кўрилди. Таъмирловчи Х. Назаровнинг сув насосларини такомиллаштириш бўйича таклифи 12 минг сўм фойда келтирди. Корхонадаги 30 га яқин ихтирочи ва рационализаторларнинг ихтиро ва таклифлари бўйича 10 ойда 100 минг сўм иқтисод қилинди.

Алишер ИБОДИНОВ.

ЙЎЛЛАРДА ШАРҚОНА БЕКАТЛАР

СИРДАРЁ. Гулистондаги 43 та бекат қайта таъмирланмоқда. Шаҳарга ўзига хос кўрк берувчи бундай замонавий кўринишдаги бекатлар кўпчиликка мақул бўлмоқда. Уларни лойиҳалаш ишларида Тошкент ва Фарғона мутахассислари ёрдам беришди.

Абдужалил УМАРОВ.

воқеалар, хабарлар

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 30 ноябрь, шанба № 153 (22.074).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

АҚШ Президенти мактуби

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари!

Менинг Америка Қўшма Штатлари Президентлиги лавозимига иккинчи муддатга сайланганим муносабати билан Сиз юборган эзгу ниятли мактубни олганимдан ниҳоятда хурсандман. Сизнинг дўстлигингиз ва қўллаб-қувватлашингиз мен учун катта аҳамиятга эга.

Олдимизда турган тўрт йил мобайнида Сиз билан яқин ҳамкорликдаги ишларимизни давом эттиришдан умидворман. Биз бир-биримиз билан ҳамкорликда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашимиз мумкин. Зеро, биз мутлақо хавфсиз ҳамда фаровон дунё қурмоқдамиз.

Самимият билан,
Билл КЛИНТОН.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 ноябрь куни Корея Республикасининг «ДЭУ» компаниялар гуруҳи раиси Ким У Жунг раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Президент Ислом Каримов «ДЭУ» компаниялар гуруҳи ўзбекистонлик ҳамкорларнинг тўла ишончига сазовор булганини алоҳида таъкиддлар экан, ана шу боис Ким У Жунг жанобларининг узаро ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан билдираётган таклифлари мамнуният билан қарши олинишини қайд этди.

Суҳбат чоғида турли соҳаларда узаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, пахта толаси савдоси, коммуникация тармоқларини кенгайтириш, енгил автомобиллар эҳтиёт қисмларини Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ва бошқа масалалар хусусида фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Бош вазири У. Султонов, Бош вазир ўринбосари К. Раҳимов, «Ўзавтосаноат» уюшмаси раиси Қ. Парпиев иштирок этди.

(ЎзА).



СУРАТДА: қабул пайти.

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

«КОБУЛ-ТЎЙТЕПА ТЕКСТИЛЬ» ЎЗБЕКИСТОН – КОРЕЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИГА

Муҳтарам дўстлар!

Бугун Ўзбекистон Республикасининг бутун тўқимачилик саноати қатори сизнинг ёш қўшма корхонангиз тарихида ҳам муҳим ўрин эгаллайдиган кундир. Энг юксак жаҳон талабларига жавоб бера оладиган замонавий «Кобул-Тўйтепа текстиль» қўшма корхонаси ишга туширилмоқда. Мен шу пайтгача Ўзбекистоннинг кўпчиликка маълум бўлмаган чекка бир шаҳарчаси — Тўйтепа бундан буён Марказий Осиё чегараларидан ташқарида ҳам машҳур бўлишига аминман. Илғор технология билан жиҳозланган бу корхона пахта толасидан рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаради.

Шу ўринда мен «Кобул текстайлз» компанияси раҳбарлари, хусусан компания президенти Чан Хо Пакнинг бу ишга қўшган алоҳида ҳиссасини таъкидлаб ўтишни истардим. Улар янги корхона қурилишига салмоқли сармоя ётқизибгина қолмай, мураккаб техник масалаларни ҳал этишда ҳам юксак ишчанлик фазилатларини намоён этдилар.

Шу билан бирга, «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси, республикадаги лойиҳа, монтаж ва қурилиш ташкилотлари ходимлари ишини ҳам қайд этмай ўтолмайман. Улар саноқли ойлар ичида корейс шериклари билан тўла якдилликка эришиб, аъло навли калава ва юксак сифатли ҳоза газлама ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар.

Корхона ишлаб чиқарган маҳсулотнинг саксон фоиздан ошиғи хорижга чиқарилишининг ўзи ҳам кўп нарсадан далолат бериб турибди. Бу мамлакатимиздаги тўқимачилик соҳасининг нуфузини кўтаришидан ташқари, Ўзбекистонга, унинг халқига ўнлаб миллион АҚШ долларини олиб келади.

Бизнинг Жанубий Корея компаниялари билан ҳамкорлигимизнинг бошқа бир муҳим жиҳати ҳақида ҳам гапирмаслик мумкин эмас. «Кобул-Тўйтепа текстиль» корхонаси лойиҳа қувватига чиққанидан кейин Тошкент вилоятининг бу туманида истиқомат қилаётган бир неча минг киши иш ўринлари ҳамда юксак даромад билан таъминланади.

Муҳтарам дўстлар!

Ўзбекистон билан Кореянинг иқтисодий ҳамкорлиги йил сайин, ой сайин ривожланиб бормоқда. Бу бизни қувонтирмай қолмайди, албатта.

«Кобул-Тўйтепа текстиль»дек йирик лойиҳани амалга оширишда иштирок этган барча кишиларга самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар. Барчангизни янги замонавий корхона ишга туширилиши билан табриклайман. Сизларга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат ҳамда ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида қилаётган меҳнатларингизда муваффақиятлар тилайман!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

«НУРОНИЙ» – ЯНГИ ЗАМОН ТАНЛАГАН СЎЗ

Бизнинг шарҳ

Халқ донишмандлиги унинг ҳаётий воқеаларга, ҳатто сўзга муносабатида яққол билиниб туради. Бир пайтлар, ўзбек сўзларида «мен» олмошининг доимо сўз охирида келишини кузатиб (борамен, келамен), халқ ўз табиатидаги буюк камтарликни сўзда ифода этган, дея мулоҳаза қилган эдим.

Сўзга муносабатдаги донишмандликни «Нуроний» сўзи мисолида ҳам кўриш мумкин. Шубҳасиз савол туғилади: нега энди «қария», «мўйсафид», «кекса» ёки «чол» эмас. Булар ҳаммаси аслида бир маъноли сўзлар. Халқ табиатидаги инсон шахсига бўлган беқиёс иззат-эҳтиром улар қаторига яна бир сўзни музайян этган: «нуроний», яъни юз-кўзларидан, нур ёғилиб турган, файзли қария.

«Нуроний» — лисонимизда бор сўз. Аммо бугун уни замон танлади. Ажабки, замон ҳам ўз табиатига мос сўзларни танлар экан. Ҳатто оддий бир ҳаракат, ҳатто оддий бир калом мафкуралаштирилган замонларда ёши улуғларга нисбатан «ветеран» сўзи урф эди. Шу билан бирга унинг даражалари ҳам бор эди: уруш ветерани, меҳнат ветерани, қишлоқ хўжалик ветерани ва ҳоказо. Бу қанчалик жоиз-ножоиз, ўзингиз мушоҳада қилиб кўринг. Бироқ даражаларга бўлиш, табақалаштириш заминида советларча синфийликка хос, «сен нари тур», «сен бери кел» қабиладаги мантиқнинг нуқси борлигини сезмаслик мумкин эмас. Ветеранларга ҳурмат-эҳтиром ҳам шўролар манфаати йўлида қилинган хизматга қараб эди: кимларгадир ҳамма жойда президиум, минбару, ўзбекча айтганда, давраларнинг тўри муносиб, бошқаларга эса пойгак. Кўп ҳолларда меҳнаткаш, оддий фахрийлар назардан четда қолиб келди, уларнинг инсоний фазилатлари муносиб қадрланмади.

Буни тушуниш у қадар қийин эмас. Коммунистик партия яловбардорлари фахрийлар кенгаши аъзоларини инсоний фазилатларию одамлар ўртасидаги ҳақиқий обрў-эътиборига қараб эмас, балки мустабид мафкура идеяларига садоқатига кўра иззатлаб келди. Бир сўз билан, фахрийлар ташкилотлари ленинча ғояларнинг энг сўнгги қўрғони эди.

Ҳа, бу шундай. Бўлмасам ота каби азиз, она каби табаррук инсонларга ҳеч замонда ташкилот тузиб ҳурмат кўрсатишганми? «Ота-онанг ўтирган уйнинг томига чиқма», дея улуғларини эъзозлаб келган аждодларимиз ҳам бундай пурмаъно ҳикматни ташкилотларда ўтириб тўқимаганлар.

Даромаддан буромад шуки, советларнинг энг сўнгги қўрғонига ҳали пахса урилмасдан юзлаб йиллар илгари ҳам кексаларга иззат-ҳурмат кўрсатиш бизда ибратли ахлоқий анъанага айланган. Ҳатто фарзандлар ота ўтирган жойга ўтиришни одоб юзасидан ҳурматсизлик деб билишган. Амир Темурдек буюк инсон «улуғларни оға қаторида кўрдим», «дуогўй кишиларни қадрладим», деб ёзганлиги имон саломатлиги, эътиқод бутлиги, миллий анъана қадри ниҳоятда баланд бўлганлигидан далолат.

Бугун миллий анъаналар қайта тикланиб, халқимизнинг бағри яна бутун бўлаётган замон. Коммунистик мафкурининг, советлар даврининг мажозий маънода, энг сўнгги қалъаси ҳам қулади. Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси ва шу кенгаш қошидаги «Ўзветеран» уруш ва меҳнат фахрийлари корхоналари республика ассоциацияси ўрнида Ўзбекистон фахрийларини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси қад ростлаяпти. Эътибор беринг, сўзнинг ўзида Мустақиллик замонининг рамзи бўлган ёруғлик, янгича қараш, миллий турмуш тарзи мужассам. Бу фоний дунёда умрининг юксак довонига кўтарилган ҳар бир қарияга ўзбекона тенг ҳурмат, эҳтиром тажассум.

Одамзод бошидан нималар кечмайди? Ҳаёт сўқмоқлари нақадар ранг-баранг. Лекин умр йўлларида кексалик деб аталмиш куз фасли ҳар бир инсон учун меҳр-оқибат, мурувват ва шафқат айёмидир. Келажак авлод камолини ўйлаган давлат нуронийларига оқибат кўрсатади. Мамлакатимизда қариялар ва нафақахўрларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларга муносиб турмуш шароитлари яратиб бериш, фахрийларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар бунга ёрқин мисол. Эҳтиёжмандларни ижтимоий муҳофаза қилиш мамлакатимиз тараққиёти беш тамойилининг бири сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Масаланинг яна бир жиҳати бор. Қариялар дарду ташвишларини фақат давлатнинг ўзи тўлиқ зиммасига олиши улар табиатида маълум маънода қарамлик, боқимандалик, фарзандлар тарбиясига нисбатан эса, масъулиятсизлик демасак ҳам, бепарволик уйғотиши биз учун эндиликда кечмишга айланиб бораётган ҳаёт. Яна шу нарса аниқки, давлатининг истиқболини ўйлаган халқ, чуқур маънода ҳар бир фуқаро ўз аждодини, отахону онаҳонларини унутса, вақти соати етиб ўзи ҳам шундай қисматга маҳкум.

Ташаббускор гуруҳларнинг саъй-ҳаракатлари билан «Нуроний» жамғармаси ташкил этилаётганлиги аввало бозор иқтисодиёти тақозоси, қоларверса қарияларга бўлган шарқона, тўғрироғи ўзбекона эътибор ифодаси. Кексаларга ҳурмат-эҳтиром асл ўзанларига қайтаётганидан, миллий анъаналар тикланаётганидан далолат бу.

Ҳар бир фуқаронинг ўз сояи давлати, пушти паноҳи, катта авлодга бўлган эътибори, амалий ёрдами нуронийлар қалбида ҳам инсонийлик туйғуларини алангалантиради: тирикликнинг асл маъноси, энг катта оқибат фақат фарзандлар, ёш авлод томонидан қайтиши мумкин эканлиги ҳақидаги ҳаётий ҳақиқатни қарор топтиради. «Фарзандим тиригимда ярамаса, давлат боқади» сингари итоатқорлик занжирларида ушлаб турувчи бирёқлама қарашлардан халос қилади. Мамлакат ижтимоий-маънавий ҳаётида, турмушида ибрати, намунаси билан иштирок этишга даъват этади, рағбат уйғотади.

Бу эса юртбошимиз таъкидлаганларидек, «...ёш авлодга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити» билан сингувчи маънавият барқарорлиги учун мустаҳкам замин яратади.

Лўнда қилиб айтганда, «Нуроний» — бу замонга ярашиқ бир сўз!

Саъдулла ҲАКИМ.

МАРКАЗИЙ КЕНГАШДА ҚАБУЛ

28 ноябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Украина Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси В. Сметанин, унинг илтимосига кўра, қабул қилинди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов меҳмонга Президент И. А. Каримов бошчилигидаги республикамиз раҳбарияти ички ва ташқи сиёсатининг самаралари, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар, демократик жараёнлар ривожланишида Ўзбекистон ХДП ташкилотлари, кўп сонли аъзоларининг иштироки, партиянинг парламентчилик фаолияти тўғрисида сўзлаб берди.

Самимий руҳда ўтган суҳбатда мустақил давлатларимиз раҳбарларининг Ўзбекистон билан Украина халқларининг азалий дўстлик алоқаларини янада кенгайтириш, мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари юқори баҳоланди ва ушбу йўлдан изчил борилаётганлиги мамнуният билан қайд этилди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиблари Ҳ. Авезов, И. Кочмарик ва Украина элчихонасининг маслаҳатчиси В. Яковенко ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Дангал гап

ЭКИНЗОРГА СОҚЧИ КЕРАКМИ?

Ҳафта бошида ҳукуматимизнинг экинзорлар пайҳон қилинишига қарши кураш ҳақида қарори эълон қилинди. Мен бу ҳужжатнинг бандларида кўрсатилган вазифаларни такрорлаб ўтирмоқчимасман, унинг муҳим ва ҳаётий қарор эканлиги ортиқча таъкидларсиз ҳам аён. Фақат газетхон эътиборини қарорнинг бошидаги бир хулоса — экинзорлар пайҳон қилинишига қарши кураш қониқарсиз ташкил этилган, деган жумлаларга қаратмоқчиман.

Хўш, нега бу борадаги ишларимиз юришиб кетмаяпти? Икки йил муқаддам шу масала бўйича Президент Фармони, бир йил ўтгач Вазирлар Маҳкамаси қарори, мана яна қарор чиқди. Ахир бизда ҳар ишнинг, ҳар соҳанинг ўз жавобгари бор-ку?! Наҳот тегишли мутасаддиларга битта гап кифоя қилмаётган бўлса?!

Бу саволларга жавоб излаб кўрсак масала бирмунча ойдинлашгандай бўларди. Гап шундаки, Ўзбекистонимиз заминидаги экинзорлар, боғлар, токзорлар ва иҳотазорлар тепасига соқчи қўйиш билан қўриқланиб қолмайди. Уни эъзозлаш, мевасидан, ҳосилидан бахраманд бўлиш ҳақида нафақат хўжалик раҳбари ёки агроном, балки ҳамма бирдай қайғурмоги керак. Онда-сонда молини далага қўйганларга жарима солингани ҳақида хабарларни эшитамиз. Тўғри, айбдорлар жазоланиши керак, лекин фақат жарима баённомаси тўлдириш билан иш битганида аллақачон олам гулистон бўларди.

Фараз қилингки, ҳажми бир дастурхон катталигидаги майдонда ғалла ҳосили қаровсизлик оқибатида молга едирилди. Ундан олинадиган дон бир-икки ҳовуч чиқар.



Бунёдкор қўллар яратган донни, нонни эъзозлаш бизга азалий мерос эди-ку?!

Бу ҳолатга ҳар ким ўзича баҳо бериши мумкин. Кимдир «Ҳаҳ, мол еса ебди-да, осмон узилиб ерга тушибдими?» дейди. «Давлатники камайиб қолармиди» деган кайфиятда юрганлар ҳалиям орамизда бор-да. Биз ундайларнинг фалсафаси нотўғри эканлигини англатиш учун масалани бошқача қўймоқчимиз. Хўш, ҳар бир даладан йўқотилган бир ҳовуч дон бутун хўжалик миқёсида қанча бўлади? Бу йўқотишларни туман, вилоят ва мамлакат бўйича ўлчаб бўлармикан?! Мингминг тоннага айланмайдими? Ана энди ўшанча ризқ-рўзни дунёнинг қайси бурчагидан валюта ҳисобига топишни тасаввур қилинг. Шундан сўнг ўша насибани қанча давлатлар ҳудудидан турли транспорт воситаларида ташиб келтиришни айтинг. Ҳой, барака топгур, бояги йўқотиш бўлмаганда шунча югур-югурга ҳожат қолмасди. Ахир тонналар ҳам миқоллардан яралади-ку! Умуман нонни, донни қадрлаш бизга азалий удум эмасми?!

Мустақиллик ҳақида ҳар кун, ҳар соатда гапирамиз. Лекин истиқлол манфаатлари чиройли ибораларни такрорлашдан кўра амалий ҳаракатни талаб қилади. Шу ижро ҳам онгли, сидқидилдан бўлиши керак. Олайлик, бировнинг моли фермер даласига тушса, жониворни оёғи сингудек қилиб қувади. Нега ўз моли жамоа хўжалиги экинзорини пайҳон қилганда бунчалар безовта бўлмайди? Биз ҳар икки ҳолатда ҳам бирдай жон қуйдириш даражасига чиқишимиз керак. Ана ўшанда ҳар бир экинзорга соқчи қўйиш ҳақида гап ҳам бўлмайди.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
«Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

ОБУНАЧИЛАР СОНИ СОАТ САЙИН ОШМОҚДА!

Ўзбекистон Республикаси каратэ миллий федерацияси бош котиби Владимир ГАСАНБЕКОВ:

«Мен ҳам спортчи, ҳам замонавий тижоратчи сифатида янги йилда ҳам «Ўзбекистон овози»нинг обуначиси бўлганимдан мамнунман».

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фахриддин УМАРОВ:

«Менинг ҳаётимда газета муҳим роль ўйнайди. Айниқса, «Ўзбекистон овози» мароқли ва қизиқарлидир».

Қўшработ туманидаги Шавона қишлоғидан меҳнат фахрийси, халқ маорифи аълочиси Қўшон ҲАМРОЕВ:

«Отахон газета менинг 40 йиллик қадрдоним. Унга биринчилар қатори обуна бўлиб, шогирдларимни ҳам шунга даъват этдим».

Биз, фермерларнинг
Лидаримиз - мушкулимиз кўп
Менинг тилаклиим, Ўзбекистон овози
нашрининг !!
Менинг фермер хўжалиги раҳбари
Ўтамурод Ниёзович Ниёзов.
2 - 24 11 96 йил

Булардан ташқари, кеча *Тошкент Молия институти ректори Мурод Шариф-хўжаев, халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов* каби элимизнинг машҳур кишилари ҳам «Ўзбекистон овози»га обуна бўлганликлари ҳақида хабар қилишди.

СИЗ ЧЕТДА ҚОЛМАДИНГИЗМИ?

ХОЛИС ВА МУКАММАЛ ТАРИХИМИЗНИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

Роппа-роса икки ой муқаддам Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши академияси қошида «Ўзбекистоннинг янги тарихи» маркази фаолият бошлади. Марказ директори, тарих фанлари доктори Ҳамдам Содиқов билан янги тузилманинг мақсад ва вазифалари хусусида суҳбатлашдик.

— Ҳамдам ака, марказни ташкил этишга асос бўлган омиллар ҳақида сўзлаб берсангиз.

—Аввало, марказ юртбошимизнинг махсус фармойиши асосида тузилганини таъкидламоқчиман. Бу фармойишдан мақсад мафкуравий маҳдудлик, тарихий сохталаштиришдан озод бўлган ва мутелик руҳиятидан покланган, миллий тикланиш, юксак маънавият ғоялари, бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизни ўзида ифодалаган умуминсоний қадриятларга ва Ватанга муҳаббат руҳи сингдирилган мустақиллик даврининг янги, ҳақиқий тарихини ёзиш ва ўрганишни амалга оширишдир.

Янгиланишлар, маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган ҳозирги даврда халқимиз тарихи, маънавий дунёси ва қадриятларига эътибор кучаймоқда. Зотан, тарих маънавиятимизнинг узвий бўлаги, миллий мафкурамизнинг асоси. Қолаверса, тарих — бу сиёсат. Мустақиллик эълон қилинишидан бир неча йил илгари аниқроғи, Фанлар Академиясининг 1989 йил 28 ноябрдаги кенгашида сўзлаган нутқида республикамиз раҳбари тарихимизнинг мукаммал ва ҳаққоний ёритилиши масаласига алоҳида тўхталган эди. «Бизга тарих тўғрисида ... аччиқ бўлса ҳам, холис ва тўла ҳақиқат керак», деган эди ўшандаёқ юртбошимиз.

— Гурунгимиз тарихни холис яратиш масаласига келиб тақалди. Айтингчи, миллий ва маданий меросимиз шўролар даврида ҳам беҳад қадрланган, мустақиллигимизнинг пойдевори ўша замонлардаёқ қўйилгани тўғрисида турли фикрларга муносабатингиз қандай?

—Сир эмаски, авваллари шўро тузумида баланд мавқени эгаллаб, Кремлу Комфирқа мутелари бўлган кимсалар эндиликда мустақиллик, истиқлол тарихи бўйича ўзларининг сохта концепцияларини кўтариб чиқмоқдалар. Улар истиқлолнинг иқтисодий ва руҳий-маънавий асослари шўролар даврида қўйилган, деб айтишгача бориб етдилар. Буюк аждодларимиз, улуғ аллома-ю уламолар ва маданий меросимиз ўша йилларда раҳбарият томонидан ўта қадрланган ва уларни асраш ҳамда ривожлантириш йўлида катта ишлар қилинган, деб даъво қилишдан ҳам тап тортмаётирлар. Хўш, жамоатчилик фикрини чалғитишга қаратилган бундай ҳаракатларнинг замини борми?

Гап далилу рақамларда эмас, балки унинг ортида турган воқеликда, тарихимизнинг қаъридаги қабоҳатларда! Мен коммунистик мафкура ва марказ тазйиқини назарда тутяпман. Ана шу тазйиқ остида умумватан манфаати йўлида ижод ва меҳнат қилган фанларнинг арбоблари кўнглида шу умумватан соясида сарғайиб сўлаётган ота мерос юрт тақдирига ҳамдардлик, истиқлол соғинчи, унга интилиш тушунчалари ҳам мавжуд эди, албатта. Во дариғ, шундай ҳур фикрли миллат гуллари бошига не савдоларни солмади ўша давр воқелиги!?

Дейлик, ўзбек миллий кадрларини тайёрлашда бош-қош бўлган Ҳабиб Абдуллаевнинг галамислар томонидан миллатчиликда айбланиши қандай фожиаларга олиб келмади, ахир. Ёки, 1968 йилда Иброҳим Мўминов миллатнинг кўзини очадиган «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни» рисоласини яратгани туфайли олимга қарши марказдан бошланган ҳуружни айтмайсизми?

Албатта, республика биринчи раҳбарлари ҳам мустамлакачи марказнинг тегирмон тоши остида иш кўришга мажбур бўлганини англаш қийин эмас. Агар марказ буйруғини бажармасанг, унга ҳамма вақт «лаббай» деб турмасанг, қурбон бўлишинг аниқ. Бунинг учун 1937 йилдаги Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаев фожиасини эслаш кифоя. Жумладан, Шараф Рашидовга ҳам осон бўлмаган. Зеро, шўро мафкураси ўз моҳиятига кўра мустамлакачилик, зўравонлик ғояларига асосланган эди. Ўша вақтда собиқ иттифоқдош республикалар қоғозда суверен давлат ҳисобланган бўлса-да, аслида ҳаттоки, уларнинг биринчи раҳбарлари ҳам ўз миллати, халқига батамом хизмат қилиш имкониятидан маҳрум этилган эдилар. Агар бирор республиканинг биринчи раҳбари миллати, халқи манфаатлари йўлида фаолият кўрсатар экан, уни дарров «жиловлаш», ҳаттоки турли хил оғир жазоларга тортиш оддий ҳол эди. Шунинг учун ҳам республикалардаги катта-кичик барча раҳбарлар, ўз хоҳиш-иродасидан қатъи назар, ўша тизимга, ўша мафкурага хизмат қилишга, Москва олдида тиз чўкишга мажбур эди. Шу маънода, ҳозирги кунда баъзи олимлар, шоиру адибларимиз газетаю журналларда, радио ва ойнаи жаҳон орқали чиқишларида собиқ раҳбарлар фаолиятини нохолис баҳолаётганликлари, «Биз Шўролар тузуми даврида ҳам фақат халқ, миллат ғамида яшадик, фақат шу миллат тақдири ҳақида ғамхўрлик қилдик, ҳозирги қўлга киритилган маънавий, сиёсий ютуқларга ўша вақтда замин тайёрладик», деб даъво қилишлари тарихан ҳам, илмий нуқтаи-назардан ҳам, виждонан ҳам нотўғри. Республиканинг ҳар бир раҳбари шўро истибдоди даврида ўша тузумга хизмат қилган. Баъзи бир ҳолларда ўз амалини сақлаб қолиш учун миллат манфаатларига зид ишларни қилишга мажбур бўлган. Кимдир у тузумга кўпроқ хизмат қилди, кимдир камроқ хизмат қилди. Кўпроқ хизмат қилганлар ҳам мартабада кўпроқ ўтирди ва аксинча, кимки миллат, халқ манфаатини ўйласа, мансабда камроқ ўтирди. Шундай экан, биз уларнинг фаолиятини фақат салбий ёки ижобий маънода кўрсатиш тарафдори эмасмиз. Мозийни объектив, тарихий нуқтаи-назардан ёритиш фанимизнинг асосий вазифасидир.

Донишмандлар айтганидек, ҳар бир воқеанинг ҳаками — вақт. Бугуни кунда юртимиз тарихини, шу жумладан, биз юқорида тилга олган даврнинг холис манзарасини яратиш борасида мозийшуносларимиз астойдил ишлашмоқда. Вақти келиб, пуч пучга, тўқ тўққа ажратилади. Зеро, янгиланаётган жамиятимизда ҳам маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, юртга, истиқлол ғояларига муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган холис ва мукаммал тарихимизни яратмоқ — марказнинг асосий мақсадларидан биридир.

— Дарвоқе, марказнинг мақсад ва вазифалари хусусида атрофлича тўхталсангиз.

— Чўқур тарихимизнинг шонли саҳифалари бизни мулоҳаза юритишга ва таҳлилга ундайди. Беихтиёр ўз-ўзимизга шундай саволлар берамиз: хўш, Ўзбекистоннинг мустақиллик асосини, тамойилларини яратган республика раҳбариятининг, Ўш, Фарғона фожиалари оқибатларини тугатиш, марказ иғвогарлик сиёсатига қарши туролган юртбошимизнинг жасоратини тарихан баҳолай оламизми? Собиқ иттифоқда дастлабки ислоҳотлар бошланганида, Ўзбекистоннинг сохта дустлари ўгиту маслаҳатларига танқидий ёндашиб, республиканинг ўз истиқлол йўлини танлай билган, барча ташқи-ички тазйиқларга дош беролган арбобларимизнинг хизматлари ўзининг тарихан адолатли баҳосини олдими? Бугун ҳар бир раҳбар, шунингдек, мамлакатимиз ички ва ташқи ҳаётида содир бўлаётган бошқа оламшумул жараёнлар уларнинг жаҳоншумул тарихий аҳамияти хусусида чет элларда кўп ва хўб ёзишмоқда. Ҳолбуки, бу ҳақда аввало ўзимиз ёзишимиз керак. Шу боис, ҳали айтганимдек, бош мақсадимиз янги даврнинг ҳаққоний ҳамда тезкор тарихини ёзиш ва ўрганишдан иборат бўлади.

Бундан ташқари, марказимиз Ўзбекистоннинг мустақиллик даври билан боғлиқ бўлган янги тарихини ўзида ифодаловчи ўқув дастурлари, услубий қўлланмалар, дарсликлар тайёрлайди ва уларни турли тилларда чоп этади. Халқаро ва республикадаги оммавий ахборот воситалари орқали республиканинг янги тарихини, миллий истиқлол, миллий тикланиш ғояларини тарғиб қилади. Дунё халқларига юртимиз ҳақида ҳар томонлама ҳақиқий ахборот, кенг ва чуқур тасаввур беришга қаратилган тадбирларни амалга оширади.

— Марказ ишига малакали мутахассисларни жалб этиш масаласи қандай ҳал этиляпти?

— Янги тарихни ёзиш ва тарихшунослик муаммоларини ўрганиш учун республикамизнинг йирик тарихчи олимлари, сиёсатшунослар, файласуфлар, ҳуқуқшунослар ва бошқа соҳалар бўйича мутахассисларни тортаяпмиз. Шунингдек, марказда экспертлар гуруҳи тузилган. Бундан мақсад ҳалқимиз ҳаётига доир тарихий жараёнларни ёритишга бағишланган ва Ўзбекистоннинг энг янги тарихига оид адабиётларни таҳлил этиш ҳамда илмий экспертизадан ўтказишни йўлга қўйишдир. Қолаверса, марказ Ўзбекистон янги тарихини яратиш концепциясини ишлаб чиқмоқда. Ана шу қутлуғ ишни бажаришда биз кенг жамоатчиликка таяниб иш кўрамиз. Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, янги тарих бу айрим олимлар, гуруҳларнинг фикри бўлиб қолмаслиги керак. Чунки тарих умумхалқ мулкидир. Биз халқ ўртасидаги турли фикрлар, баҳоларни билишимиз ва уларни чуқур таҳлил этмоғимиз даркор.

Адолат нуқтаи назаридан бир ҳолатни эътиборда тутиш керак. Яъни бунгача олимларимиз Ўзбекистон тарихига янгича ёндашувчи концепция ишлаб чиқишди. Олий ўқув юртлари учун дастурлар тайёрланди. Ўзбекистон мустақиллиққа эришган йиллан буён ўтган давр ичида юртимиз тарихини холисона ёритиш соҳасида муайян ишлар қилинди. Энг аввало, республиканинг етакчи олимлари томонидан мактаблар учун янги дарсликлар ва қўлланмалар тайёрланди. Хусусан, «Ўқитувчи» нашриёти томонидан чоп этилган 5-9 синфлар учун «Ўзбекистон тарихи» дарсликлари, «Фан» нашриёти чиқарган «Ўзбекистон халқлари тарихи» китоблари, «Чўлпон» нашриёти тайёрлаган «Расмларда ватан тарихи» комикслари Ўзбекистон давлатчилиги тарихини кенг халқ оммасига етказишда қувонарли ҳодисадир. «Тафаккур», «Мулоқот», «Фан ва турмуш», «Сирли олам» журналларида эълон қилинган туркум илмий мақола ва очерклар ҳам тарихга янгича, мустақил, истиқлол мафкураси нуқтаи назаридан ёндашиш кўзга ташланади. Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур ва бошқа буюк алломалар ҳамда давлат арбоблари ҳаёти ва фаолиятига оид қизиқарли асарлар яратилди.

Шу билан бирга эришилган ижобий самараларни қайд этган ҳолда, бу асарлардаги камчиликлардан ҳам кўз юмиш мумкин эмас. Энг асосий нуқсон аксарият олимлар муаллифларимизнинг Шўро тузуми асоратлари ва коммунистик мафкура андозаларидан тўла халос бўла олмаганликларидир. Ҳамон ўша иккиланиш, атрофга аланглаш, ўз мустақил фикрини дадил баён этишда ожизлик... Ўзбекистон тарихига ҳозиргача чинакамига холис, одилона ва умумжаҳон миқёсида ёндашиш сезилмаётир. Бугуннинг аччиқ ҳақиқати шуки, иқтисод ва сиёсатдаги силжишларга нисбатан қиёс этганда, тарих фанида мусақилликнинг беш йили мобайнида эришилган натижаларни қониқарли, деб бўлмайди. Ўзбекистон миллий тарихи соҳасидаги изланишлар замон талабларига мутлақо жавоб бермайди. Шунинг учун марказ Ўзбекистон янги тарихини яратиш жараёнига республикамизнинг таниқли олимларини жалб этган. Яна шуни такроран таъкидламоқчиманки, биз она тарихимизнинг холис манзарасини яратиш ишига кенг жамоатчиликни тортишга интиламиз.

— Марказ уч жилдлик «Ўзбекистоннинг янги тарихи» китобини яратишга киришганидан хабардорман. Ана шу солномада Ўзбекистон тарихи даврлари, воқеалари қандай тартибда ёритилади?

—Биринчи китоб Чоризм мустамлакачилиги давридаги Туркистон тарихига бағишланади. Бунда ўзбек хонликларининг Россия томонидан истило этилиши ва истилочилик сиёсатининг оқибатлари, ўлкамизда миллий давлатчиликни тиклаш ва истиқлол учун курашнинг асосий босқичлари ҳақида ҳикоя қилинади. Иккинчи китоб республикамизнинг Шўро мутсамлакачилиги давридаги тарихини қамраб олса, учинчи китобда Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлига чиқиши ҳамда бу жабҳадаги ютуқлар, муаммолар, режалар атрофлича таҳлил қилинади.

Шу ўринда бир ҳолга эътиборни қаратмоқчиман. Кейинги вақтларда икки муқаддас сўз — Мустақиллик ва Истиқлол оммавий ахборот воситаларида кўп такрорланмоқда. Турли анжуманлар минбарларидан ҳам бу сўзлар тез-тез ва такрор-такрор айтилмоқда. Ўйлаб қолади киши. Биз бу икки муқаддас каломнинг салмоғини тушириб қўймаяпмизми?

Ўзбекистон тарихида янги, буткул ўзгача ва айтиш мумкинки, буюк саҳифа очган Мустақилликнинг моҳиятини, унинг она тарихимиз учун аҳамиятини барча ҳам қалбан ҳис қилаяптими? Хусусан, олимларимиз тадқиқотларида у ўзининг тўлақонли ифодасини топаяптими?

Фикримни хулосалаб айтмоқчиманки, шу каби саволларга ижобий жавоблар топиш, одамларда ўзликларини чуқур англаш, мустақилликни теран тушуниш туйғуларини тарбиялаш, ҳурлик, мустақиллик руҳини халқимиз дилдилига сингдириш — марказимиз ишининг туб йўналишини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши академияси тингловчиси Булом МИРЗО суҳбатлашди.

Ҳаёт билан ҳамнафас

ТАЛАБ ВА МАСЪУЛИЯТ

Сайхунобод туманидаги «Пахтакор» ширкатлар уюшмаси раиси ўринбосари, хўжалик ХДП ташкилоти котиби Бакир ОСПАНОВ билан суҳбат

— Бакир Оспанович, жамоа аҳли мазкур йилни қандай якунламоқда?

— Вилоятимиздаги вазият яқинда бўлиб ўтган халқ депутатларининг навбатдан ташқари ўтказилган сессиясида, унда Президентимизнинг сўзлаган нутқида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Биздаги вазият ҳам бундан мустасно эмас, десам нотўғри бўлмас. Камчиликларимиз кўп, ютуқларимиз ҳам талайгина. Ўша сессиядан сўнг халқимизнинг кайфияти кўтарилди. Шулардан келиб чиқиб айтишим мумкинки, қалбимиз умидларга тўлган, хўжалигимиз эртасига катта умидлар боғламоқдамиз.

— Бундай умидворликларга маълум асослар ҳам бўлса керак, албатта?

— Тўғри айтдингиз, биринчиси шуки, кузги шудгорлаш ишларимиз яхши бормоқда. Рости, экин майдонларимизни охирги марта қачон кузда юз фоиз шудгор қилиб улгурганимизни айтиш қийин. Бу йил эса кўпдан бери биринчи бор шундай қилишга бел боғлаб турибмиз. Далаларимизда иккита «Кейс», 16 та «Олтой» тракторлари ишлаб турибди. Кунига 100 гектардан ошириб ер ҳайдаётирмиз. Узоғи билан декабрь ойининг биринчи ярмига қадар бу муҳим агротехник тадбирни сифатли қилиб тугатиш ниятидамиз.

— Бозор иқтисоди, иқтисодий ислоҳотлар хўжалик ҳаётига қандай янгиликлар олиб келмоқда?

— Вилоятда биринчилардан бўлиб хўжалигимиз ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига ўтди. Янги йилдан бошлаб мулкчиликнинг ана шу янги тури асосида иш юрита бошлаймиз. 6 гектарлик иссиқхонамиз бор. Унинг ишга туширилганига 20 йилча бўлиб қолган эди. Иқтисодий қийинчиликлар туфайли сўнгги йилларда у ҳам фойда ўрнига зиён келтира бошлади. Ҳозир иссиқхонада қайта жиҳозлаш ва самарадорлигини ошириш йўлида хитойлик тадбиркорлар билан ҳамкорлик йўлини изламоқдамиз. Яна бир катта янгилик — хўжалигимизда бугун-эрта вилоятда ягона ва йирик ширкат заводи ишга тушади. Ана шу учта мисолнинг ўзиёқ хўжалигимизнинг эртасидан далолат бериб турибди.

— Партия ташкилотининг эътиборли ишлари ҳақида нималар дея оласиз?

— Сафимизда 103 нафар ХДП аъзоси бор. Кўриниб турибдики, бу катта куч. Хўжалигимиз ҳаётининг деярли барча соҳаларида бизлар етакчи ўринга эгамиз. Ишлаб чиқаришни, хўжалик иқтисодини ривожлантириш муаммолари устида жон қуйдириш билан бир қаторда ўзаро иқтисодий ҳимоялаш масалаларига ҳам доимий эътибор бермоқдамиз. Хўжалигимиз раҳбари Эшпўлат Абдушукуров вилоят кенгаши депутатлигига сайланган. У киши партия ташкилоти билан доимо ҳамкорликда иш олиб боради. Ғалла ўрим йиғими якунига кўра давлат буюртмасини бажарганимиздан сўнг хўжалигимиздаги ҳар бир ишловчи ҳисобига 100 килограммдан буғдой тарқатдик. Жамоамиз ҳудудида 63 та ёрдамга муҳтож хонадон бор. Партия ташкилоти уларнинг иқтисодий аҳволидан муттасил хабар олиб туради.

— Хўжалигингизда келгуси йил газета ва журналларига обуна қандай бормоқда?

— Бу борадаги қийинчиликлар ҳаммага маълум. Гапнинг сирасини айтганда газета-журналларни ўқишни хоҳловчилар кўпу, лекин ҳамманинг ҳам шароити бунга имкон бермайди. Шуларни ҳисобга олиб, ширкатимиз раиси билан ҳамкорликда обуначиларга ёрдам кўрсатишга қарор қилдик. Туман, вилоят, республика газеталарига ва журналларга хўжалик ҳисобидан муносиб кишиларимизга обуна варақаларини тарқатаётирмиз. Шу жумладан бу йил 50 кишини «Ўзбекистон овози» газетасига ҳам хўжалик ҳисобидан обуна қилишга қарор қилганмиз. Булар ҳам кишиларимизни ижтимоий ҳимоялаш йўлидаги тадбирларимиздан биридир. Бу каби сарф-харажатлар келажакда ўзининг ижобий самараларини беради, деган умиддамиз.

Суҳбатдош Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Меросимиз

АЛЛОМА ҚАБРИ ЗИЁРАТГОҲМИ?

Очиғи, Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказида уз сарҳисобини қилган Бобур номидаги Халқаро илмий экспедициянинг навбатдаги сафар таассуротларини тинглаб, видеофильм, фотосуратларни кўриб инсон астойдил пок ният қилса албатта унга эришади, деган ўй ўтди хаёлимдан. Муҳими, катта қийинчиликлар эвазига Эрон, Покистон, Афғонистон, Хитойга қилинган сафардан кузда тутилган мақсадга эришилган. Буни экспедиция раҳбари, табиатшунос олим Зокиржон Машрабов, журналист Фарруҳ Расул, шунингдек, қори Муҳаммадсодиқ Қосим, ҳофиз Адҳамжон Исмоиловлар ҳам таъкидлашди. Бироқ, ҳоки ўзга элатлар тупроғига жо бўлган юртдошларимизнинг мангу уйқуга кетган масканлари ҳақида гап борганда, назаримда, шу ерга тўпланганлар қалби жунбушга келди. Боиси, қўлимизга тутқазишган сурат, тасвирга тушириган Ғазна шуҳридаги Маҳмуд Ғазнавий мақбарасини кўриб қувонсак, қабр тошлари парчаланган, хароб ҳолатдаги ва ҳатто бирор белгиси ҳам бўлмаган Беруний ҳазратларининг қабрларини кўриб беихтиёр кўзга ёш қалқди. Астағфуруллоҳ. Буюк аллома, бобокалонимиз, юртимиз фарзандининг руҳлари бугун нотинч бўлиб қолибди. Минг афсуски, қабрнинг бир-икки метр нариберисидан ариқ ўтган, у ёғи экинзор. Яна бир ачинарли томони, ерли аҳоли бу қабр қандай улуғ бир зотнинг гўри эканини ҳам билмайди. Бугун ё эрта бу қабрни билиб-билмай экин экиладиган ерга айлантириб юборилмайди, деб ким кафолат ҳам бера олади. Нима қилиш керак? Ниятни яхши қилиб биргалашиб ўйлаб кўрайликчи.

Умида ФАЙЗИЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭРКИН САВДО ҲУДУДИ

ПЕКИН. *Маньчжоули шаҳрида Хитой-Россия эркин савдо ҳудуди ишга тушди.*

Маньчжоули ташқи алоқалар бошқармаси вакилларининг маълум қилишича, эркин савдо ҳудуди 100 минг квадрат метр бўлиб, у 1992 йил апрель ойида Хитой—Россия савдо-иқтисодий ҳамкорлигида қурилиш бошланган эди. Эркин савдо ҳудудида Россия ва Хитой фирма ҳамда компанияларининг офислари қурилган. Шунингдек, бу ерда маданият маркази, меҳмонхона мажмуи ва ресторанлар ҳам қад кўтарган.

ХХР РАИСИНИНГ ТАШРИФИ

ДЕҲЛИ. *ХХР Раиси Цзян Цземин тўрт кунлик расмий ташриф билан Ҳиндистонга келди. У ташриф давомида Ҳиндистон ҳукумати раҳбари Деве Говда ва мамлакатнинг бошқа раҳбарлари, шунингдек йирик сиёсий партиялар вакиллари билан музокаралар олиб боради.*

Оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, ташриф чоғида Ҳиндистон—Хитой алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида бир қанча ҳужжатлар имзоланади. Жумладан, музокаралар чоғида Гонконг 1997 йил июль ойида Хитой ихтиёрига ўтгандан кейин, бу ерда Ҳиндистоннинг бош консулхонаси очилиши, ўзаро сармояларни ҳимоялаш ҳамда наркотик моддаларнинг ноконуний тарқалишини бартараф этиш каби масалалар ҳам муҳокама этилади.

НАТОНИНГ ҚАРОРИ

БРЮССЕЛЬ. *Шимолий Атлантика блоки (НАТО) халқаро тинчлик ўрнатувчи янги кучларни Босния ва Герцеговинага киритишга қарор қилди. Тинчликни таъминлаш кучлари ваколати шу йил 20 декабрдан бошлаб, 18 ой давом этади.*

Норин туманида кейинги йилларда газлаштириш ишлари муваффақиятли амалга ошириляпти. Масалан шу йилнинг 6 ойи ичида 825 хонадон газлаштирилди.

СУРАТДА: туман газлаштириш корхонаси слесари Икромжон Юсупов газлаштирилган хонадон бекаси Дилбархон Охунова билан.

Пўлат АКБАРОВ олган сурат.

МУҲИМ ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

АНҚАРА. *Туркия пойтахтида Туркия ва Украина раҳбарлари икки давлат ҳамкорлигига доир 11 муҳим ҳужжатни имзолади. Икки томонлама солиқ солмаслик, банк тизимидаги тўсиқларни бартараф этиш, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва товар айирбошлаш ҳажмини ошириш тўғрисидаги ҳужжатлар шулар жумласидандир.*

ЧАҚАЛОҚЛАР КАМ ТУҒИЛАЁТИР

БОКУ. *Озарбойжон давлат статистика қўмитаси мутахассисларининг маълум қилишича, жорий йилнинг 1 ноябригача мамлакат аҳолиси 7 миллион 563 минг кишини ташкил этган. Бу кўрсаткич аҳоли ўтган йилгига қараганда 0,3 фоизга ортганини ёки 24 минг кишига кўпайганини билдиради. Гўдаклар орасида ўлим кўп учраши туфайли аҳолининг ўтган йилги табиий ўсиш кўрсаткичи ҳар минг кишига 16,8 чақалоқни ташкил этди.*

Ҳукм ўқилди

КУНИНИ КЎРСАТИШМОҚЧИ ЭДИ

Тун. Осмонда юлдузлар чарақлайди. Ҳовлида ва уйда осойишталик ҳукм суради. Турмушдан кўнгли тўқ оила бекаси Одинахон фарзандлари билан дам олиш хонасида ором олаётган эди. Ҳамма уйқуда. У бедор. Қулоғига девор соатининг чиқ-чиқлаши элас-элас эшитилар эди. Тўсатдан қўшни хонада турмуш ўртоғининг «Войдод, қутқаринглар» деган овози бутун уйни жаранглатиб юборди. Одинахон қай ҳолатда ўрнидан тура солиб, ўша томонга ўқдай отилганини сезмай қолди. Бу пайтда 3-4 нафар ниқобли йигитлардан бири оила соҳиби Зайнобиддинни бўғиб олиб, «Пул қўйган ерингни айтасан, бўлмаса кунингни кўрсатамиз», деб турган экан. Эр эса кўрпанинг ичида кўзлари ола-кула бўлиб, тўрга тушган балиқдай типирчиларди. Бу ҳолатни кўрган оила бекаси турган жойида қотиб қолди.

Ниқоблилардан икки нафари Одинахонни қўлтиғидан даст олиб ўз хонасига киритиб қўйишди. Чўчиб уйғонган болалар босқинчилардан қўрқиб уввос солишарди. Тамоман ўзини йўқотиб қўйган Одинахон фарзандларига шундай дея олди:

— Қаттиқроқ бақиринглар, оталарингни ўлдириб қўйишди.

Босқинчилардан бири ҳали суяги қотмаган болаларга милтиқ ўқталиб дағдаға қилди:

— Жим бўлинглар, йўқса ҳаммаларингни пашшадай қириб ташлайман!..

Йиғи-сиғи болаларнинг бўғзида қолди.

— Нега бизни хўрлаяпсизлар? Гуноҳимиз нима-деган калом аёлнинг оғзидан отилиб чиқди.

— Овозингни ўчир, манжалақи, — деди ниқоблилардан бири.

— Нега бемаврид кирдинглар ахир?

— Оғзингни юм! Бу бизнинг шахсий ишимиз. Бизларни тафтиш қиладиган ҳали онасининг қорнида...

Оила бекаси буларга гап таъсир қилмаслигини сезиб, мураккаб вазиятни дилидан ҳис этиб, сукут сақлашга мажбур бўлди...

Босқинчилар Зайнобиддин аканинг уйи авраастарини агдариб ташлашди. Улар уйнинг меҳмонхонасидан 32.000 сўм пул, 700 АҚШ доллари, битта қундуз телпак ҳамда Арабистондан келтирилган қимматбаҳо жойнамозни топиб, уларни катта сумкага жойлашди. Мақсадга эришган босқинчилар уй эшигини маҳкам тамбалаб, жуфтакни ростлаб қолишди.

Шу йилнинг 24 апрелида Андижон шаҳрининг Эркин кўчаси 8-уйда яшовчи Зайнобиддин ҳожи Бобожоновнинг хонадонида ана шундай ножўя, ноҳуш ҳодиса рўй берди...

«Ов»лари бароридан келган босқинчилар шаҳарнинг Папанин кўчасидаги чойхонага келишганда тонг бўзара бошлаган эди.

Катта қозонда ош дамланди, шоҳона дастурхон тузалди. Шу куни ниқобли йигирма беш ёшли Усмон Каримохуновлар қора ниятлари хамирдан қил суғургандек амалга ошганлиги учун ҳам молдек ичишди. Улар олинган ўлжаларини тенг тақсимлаб олдилар.

... Босқинчилар одил суднинг ҳукмига кўра, соя-салқин «дам олиш уйи»га 16 йиллик муддатга «йўлланма» билан тақдирланишди.

Қариндош-уруғлар, уларнинг оила аъзолари ҳамда таниш-билишлар, ҳамшаҳарлар, ниқоблиларни йиғи-сиғилар билан кузатиб қолишди.

Ҳадятилло МУҲАММЕДОВ, Андижон шаҳар прокурори ўринбосари, адлия кичик маслаҳатчиси, Ҳасанбой РУСТАМ, журналист.

Шунақасиям бўлади

50 ЙИЛЛИК «ОЛЧА ДАНАК»

ФЛОРИДА ШТАТИ. Фрэнсис Райхерт доктор ҳузурига бутунлай бошқа мақсадда борганди. Доктор бўлса унга «бурнингизда нимадир бор» деб қаттиқ босиб кўрди. Райхерт эса бурнида нимадир «чирс» этиб узилганини сезди. Олча данак!

Маълум бўлишича, 1946 йилда, ҳали Райхерт ғудаклик чоғида олча данакни ўйнаб бурнига тиққан экан. Шифокорлар эса ўшанда данакни олишолмаганди. Қаранг, 50 йилгача Райхерт ҳеч нарса сезмай яшади.

Бурундан тушган олча данагини врач лабораторияга жўнатди. Врачнинг айтишича, данакнинг усти шиллиқ парда, мембрана билан қопланганди. Райхертнинг бурнида бемалол «жойлашиб», организмида «ўзлашиб» кетган эди.

— Хотиним Иреннинг гапига қараганда энди тунлари уйқумда бемалол, эркин-эркин нафас олаётганмишман. Лекин ўзим ҳеч қандай фарқ сезмаяпман...

«МУЛОҚОТ» САҲИФАЛАРИДА

«Мулоқот» журналининг 6 (ноябрь-декабрь) сони босмадан чиқди. Журнал, анъанага кўра, «Муҳаррир мулоҳазалари» рукни остидаги мақола билан бошланади (уни газетхонларимиз саҳифада ўқиш имкониятига эгадирлар).

Таниқли иқтисодчи олим Мурод Шарифхўжаевнинг «Осойишталик, барқарорлик ва юксалиш меъмори» сарлавҳали мақоласи «Палея» нашриёти директори Н. Мишиннинг «Барқарорлик ва ислоҳотлар» китобига бағишланган. Унда истиқлол тантанаси учун юртбошимизнинг буюк тарихий хизматлари ҳаётий мисоллар асосида кўрсатиб берилган. Ҳуқуқшунос олим Ҳожиакбар Раҳмонқуловнинг мақоласи эса Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қанчалик ҳаётбахш эканлиги ҳақида ҳикоя қилади. «Истиқлол ва маънавият» рукни остида эса Лазиз Қаюмов, Аҳмаджон Мелибоев, Толиб Тиловов каби ижодкорларга минбар берилган. «Ўзбек мўъжизаси» «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг илк қадамларига бағишланган мақола шундай деб аталади. Унинг муаллифи таниқли журналист Носир Тошевдир.

Партия ҳаёти мавзуида журналист Ўрол Ўтаев Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши биринчи котиби Нозимжон Қозоқов билан суҳбатлашади. Унда вилоят партия ташкилотининг ислоҳотларини жорий этишдаги хизматлари, аъзоларнинг сон ва сифат жиҳатдан ўсиб бораётганлиги ҳақида сўз юритилади.

Рашид Рауповнинг бозор муносабатларига ўтишдаги муаммолар ҳақида ёзган мақоласи журналхонни лоқайд қолдирмайди. Шунингдек, ушбу сондан Холмурод Назаров, Мирзо Ҳайдар, Ҳожиакбар Ҳамидов, Рашид Бойтиллаев каби муаллифларнинг буюк меросимиз билан боғлиқ қизиқарли мақолалари жой олган. Барот Бойқобиловнинг Яссавий оҳангларида битган шеърий сатрлари «Ҳасби ҳол» деб аталади. Ушбу сонда журналхонлар Абдуқодир Ҳайитметов, Маъруф Жалил ҳақида қизиқарли мақолалар билан танишадилар.

Ўз саҳифаларида маънавиятни алоҳида тарғиб қилаётган «Мулоқот»нинг 6-сони муштарийларга бир олам руҳий озиқ бериши шубҳасиз.



Муҳаррир мулоҳазалари

Ўз мустақиллигининг беш йиллигини зўр тантаналар билан нишонлаган юртимизда қўтаринки руҳ, байрамона кайфият ҳукмрон. Қутлуғ саналар бир-бирига эргашиб келиб, ажиб, файзли иқлим пайдо қилган. Ишончим комилки, бу дориломон кунлар ҳали хамир учидан патир, порлоқ замонларнинг бир дебочаси, холос. Зеро, барча инсонлар каби биз ҳам сал нарироққа, сал олисроққа интилиш — ҳавас туйғуси ёгона эмас. Бизлар ҳам нафақат орзу қилишни, балки, ўша орзуларни рўёбга чиқаришни ўрганяпмиз. Ўй-фикрларимиз тераншашяпти, янгича маъно, янгича ҳаётий нафосат касб этяпти.

Умуман, ўзгаришлар улкан, ақлни шоштиргудек. Ва ҳаммасининг ижодкори, муаллифи бор. Юрт ризқу рўзини, оғиру енгилини, байраму кайфиятини зиммасига олган ҳассос бир инсон борки, унга ҳайратли хизматлари, самарали заҳматлари учун миннатдорлик билдириш мавриди келгандир.

Бундан бир неча йил муқаддам, янглишмасам, 1993 йил арафасида «Озодлик» радиостанциясидан янги йил муносабати билан бирор шеър ўқиб беришни таклиф қилдилар. Мен бажонидил рози бўлдим ва дўстлар ёрдамида шу баҳонада уни биринчи марта эшитдим (илгари фақат таърифини эшитган эдим). Шеъримни, рост, бердилар, лекин қолган гап-сўзлари, хусусан, ҳовлиқмароқ бир аёлнинг республика раҳбарлигига оид мулоҳазалари мени жуда танг қолдирди. Мен, содда банда, ўйлар эдимки, катта ё кичик раҳбар ҳақида сўз юритиш учун одам кам деганда беш-олти бошни қовуштирган, бошқарув бобида ишни дўндириб қўйган бўлиши керак деб. Сўнг фуқаролар қарийб бир овоздан сайлаган давлат раҳбари шаънига айтилган номақбул сўз беихтиёр сайлаган кишиларнинг, яъни бутун халқнинг нафсониятига тегади деган фикрда эдим. Қолаверса, демократиянинг пойдевор шарти — кўпчилик ф. рининг сўзсиз устунлиги, устуворлиги. Бутун халқ ҳеч иккиланмасдан ўз қисмати, ўз келажаги учун барча ваколатни бир инсонга топширибдими — ҳақиқатни тан олиш ва ҳурматлаш керак. Эътирозлар туғилганда ҳам — риоя ва андиша билан, маданият билан баён этиш лозим. Хуллас, мен «Озодлик»даги ҳамкасабаларга шу мулоҳазаларимни айтдим. Иқтидорли, нуфузли журналист Азизулло Орол бир зум ўйланиб қолди-да қисқа қилиб: «Шу фикрларингизни қоғозга туширib қўйинг, фалон куни кўнгироқ қиламан, ўқиб берасиз», — деди. Ёздим, ўқидим ва сўзларим радио орқали тўғар-тўғамас уйимдаги телефон портлади, ҳисоб. Одамлар тасдиқлаб, ҳаяжонланиб сим қоқар эдилар.

Орадан уч йил вақт ўтди, лекин зиёлиларимиз ҳануз ўша чиқиш ҳақида фикр билдиришади, раҳмат айтишади, ўшанда матбуотга бермаганимдан афсус қилишади. Тунов куни эса давлатимиз Президентининг оташин мухлисларидан бири — таниқли бир олимимиз яна ўша нутқ хусусида сўз очиб, унинг бирор нусхасини топиб бериш(и)ни илтимос қилиб қолди. «Яна бир ўқийин», — деди у киши. Мен ҳам астойдил ковланиб текстнинг кўлёзмасини ахтариб топдим, қайта ўқиб чиқиб ўша — уч йил олдинги таъриф-тавсифларим эскирганлигини тушундим. Зотан, давлатимиз Президенти ундан бери жойида тек турган йўқ. Инсон сифатида ҳам, раҳбар сифатида ҳам янги босқичларни забт этиб жуда илгарилаб кетди.

Маълумки, ота-она фарзандни, фарзанд эса ота-онани танламайди. Худди шунинг-

ТАРИХНИ БУЮК ШАХСЛАР ОЛҒА СУРАДИ

дек, киши зоти Ватанни ҳам танлаёлмайди. У пешонага ёзилган бўлади. Ватанннинг яхшиси ёки ёмони бўлмайди. У ўз номи билан, ўз моҳияти билан — Ватан! Ота-она қусурлари фарзандга кўринмагани каби Ватаннинг камчиликларини ҳам илғаш қийин, шарт ҳам эмас. «Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига». Ватанга тош отган, Ватан ҳақида ғайир сўз айтган кимса нохос ўзининг асл башарасини фош қилиб қўяди. Инсонни инсон қилиб турадиган биттаю битта омил — Ватан! Ватансиз инсон йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Бироқ, миллатимизнинг фожиавий тарихини, бошидан оғир савдолар, мусибатлар кўп ўтганини назарга олиб, мен ҳамиша ҳар қандай хатти-ҳаракатга риоя билан қараш мумкин деб ҳисоблаб келаман. Хусусан, хориждаги миллатдошлар мавзусига ҳам шу нуқтаи назардан келиб чиқиб ёндашаман.

Хуллас, мен «Озодлик»нинг холис муносабатларга ҳам мойиллигини ўзим бевосита синадим, ходимларининг юксак мутахассислик савиясига тан бердим ва ҳурмат юзасидан эшиттиришларини анча вақтгача кузатиб бордим. Лекин, таассуфки, асал бор жойда пашшалар ҳам бўлар экан. Ўша ораларда ўралашиб адолат мувозанатини ўз фойдасига оғдиришга ҳаракат қилиб юрадиган муаллифлар таъсирида кўп ўтмай кўз ўнгимдаги оқ нарса ҳам қороқдай кўрина бошлади. Ментингловчилик машғулотларимни йиғиштириб қўя қолдим. Аммо, юртимиз ўз эркини ниҳоят ўз қўлига олган, жаҳонга юз тутган, жамики ижобий тажрибаларни ўзлаштиришга киришган ноёб тарихий даврда ўзбекнинг ғарб таълими ва тарбиясини олган забардаст ўғлонларининг имкониятлари зое кетаётганига кўп афсусландим. Албатта, маълум шароитда Ватан мавзуси мўмайгина даромад манбаига айланади, лекин ягона эмас. Мен масаланнинг сиёсий, маънавий, моддий томонларидан бир қадар хабардорман. Ўзимнинг фарзандим ғарбда истиқомат қилади, ўзининг касби — тележурналистика соҳасида меҳнат қилади. Фаолиятини бошлаган кезлар туғилган биринчи истаги — Ўзбекистон тўғрисида муфассал, ҳаққоний маълумот бериш бўлди. Негаки, у пайтлар ўзбек мавзуси негадир кўпроқ турклар талқинида ёритилар эди. Биз ўшанда айтдик: Ўзбекистон катта мамлакат, сенга муҳтожлиги тушгани йўқ, сен ўзингни эпла, ҳозир шу керак. Яхши ният ярим мол деганларидек, бугун касби-кори бўйича эътироф топиб, қоп-қоп хатлару борадиган мухлислар орттириб, ўзининг борлиги билан ўзбекнинг яхшигина рекламасига айланиб қолди. Ўша катта даргоҳга кимки борса мана — ўзбек деб таништирар эканлар. Икки ўртада менга ҳам бўлиб берди. Шунақа ёзувчини танийсизми деб сўрар эканлар кейин. Ман-ман деган ўзбек ёзувчисининг китоби бизларда жуда борганда 20—30 минг нусхадан ошмайди, аҳоли эса, маълумингиздек, — 20 миллиондан ортиқ. Бунинг устига адабиётда тоғни ағдариб қўйган бўлсамда, ўзимни ҳар тешикка ураверадиган одатим йўқ. Мени танимайдиганлар кўп бўлиши керак. Лекин одамларимизнинг феъли кенг, хиҳолатга қўйишмайди. Яқинда бир ҳамюртимиз ҳатто спектаклимни кўрганлигини айтибди. Умримда спектакль ёзган эмасман, лекин барибир, миннатдор бўлдим.

Юқоридаги гапга қайтсам, тараққий этган муҳитга мансублик Ватан тимсолининг ҳиралашишига асос эмас. Тиниқ онг учун Ватан ҳар қандай шароитда худди ота ёки она каби беғуборлигича қолаверади. Ғуборларни ёт кўзлар, душман кўзлари кўриши мумкин. Умуман, менда Ватан тўғрисида фақат яхши ўйлаган, нохуш фикрларни яқин ҳам йўлатмаган маъқул деган ишонч тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ё яхши гапир, ё оғзингни очма. Айниқса, шу бугунгидек бутун юрт аҳли нурга талпиниб турган пайтлари. Чунки, яхшилик фақат яхшиликдан — яхши сўзлардан, яхши фикрлардан, яхши муносабатлардан яралади. Зеро, бир аср ёмон гапирилганда ҳам эзгулик томон бир қарич ҳам сурилиб бўлмайди. Тириклик тарихида бундай мисоллар йўқ. Йога саньатида, ҳатто ибратли бир тажриба бор: яхши-яхши сўзлар билан зум ичида одамга фавқулодда куч-қудрат бағишлаш ва аксинча, ёмон сўзлар ишлатиб унинг бор қувватидан жудо этиш, мажолсиз ҳолатга етказиш мумкин. Яхши сўз тирилтиради, ёмон сўз ўлдиради. Бехатар жойга ўрнашиб, панадан туриб қилдан қийиқ ахтариш, тирноқ остидан кир ковлаш беватанларга, манқуртларга хос ҳунардир.

Дарҳақиқат, ўтган беш йилга назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимиз тараққиёти бир инсон фаолияти билан чамбарчас боғланиб келаётганини кўрамиз. Йўл бошида борлиқ-йўқлиқ, яъни тинчлик масаласи, оддий нон масаласи — масала эди. Собиқ «марказ» матбуоти «ўзбек ҳатто ўз нонини ҳам ўзи топиб ея олмайди, икки букилиб таъзимга келади», — деб, бири олиб, бири қўйиб мусобақалашарди. Орадан бир аср эмас, ярим аср эмас — бориўғи беш йил вақт ўтди. Бугун ўзбекнинг ташвиши нон эмас, еру кўкка сиғмай кетган гўшт ҳам эмас. Навбат аллақачон автомобиль, самолёт сингари мўъжизаларга етган.

Тарихни буюк шахслар илгари суради, деган гояси билан танилган инглиз файласуфи йўлбошчилик ҳам буюкликни тақозо қилади, деган хулосага келган эди. Кейинчалик бошқа алломалар бу фикрни тасдиқлаган ва ривожлантирганлар. Смайлс эса буюклик фақат иродага боғлиқ, деб қўшимча ҳам қилган. Ҳақиқатан, йўл бошида туриш ва етаклашни айни шундай юксак шахсиятлар уддалаши мумкин. Негаки, улар олисроқни кўра оладилар, иродалари ҳам мустаҳкамроқ бўлади. Улар ижтимоий тараққиётнинг энг олдинги босқичларида юзага чиққан масалаларни ҳам ўз тафаккури қудрати билан еча биладилар. Илгариги сиёсий ва ижтимоий муносабатлар замирида вужудга келган эҳтиёжларни ҳам идрок этадилар, ҳар қандай заруратни тўғри тушунадилар. Фавқулодда мураккаб вазифаларини ҳам зиммага олишга жўрьат топадилар. Шу маънода ўтган беш йилда юртимизда эришилган энг катта ютуқ — бизларнинг кўз ўнгимизда том маънодаги йўлбошчининг шаклланганлиги, чинакам раҳбарга эга бўлганимиз. Сиёсатнинг шоҳ йўли, бош йўналиши ўз йўлига. Сиёсатчининг бевосита иши сиёсатлиги ҳаммага маълум. Лекин Давлатимиз Президентининг ҳатто икир-чикир масалаларни диққат доирасида тутиш, ўз устида тинимсиз ишлаб бориш одати, инсонпарварлиги тамоман қувонарли ҳол. Ажабки, у кишининг соф инсоний нуқсонлари ҳам манфаатга хизмат қилади. Айтайлик, ғанимлар кўзига илинган энг катта камчилиги — ўжарлиги. Бироқ тил-забонсиз, ланж раҳбарлардан кўйган бизлар худди шундай ўжарликни орзу қилмабмидик? Мана энди ўжарлик билан, матонат билан фалаж ўсимтага айланган жамиятга жон киритиб, уни сонга қўшиб келяпти. Икки ёққа қарамасдан, тишни тишга босиб, гоҳ ўзи одимлаётган, гоҳ ўлик товон бўлиб ётиб қолаётган залворли юкни ҳали-ҳозир фақат ўзига кўриниш бераётган олис уфқар томон судраб кетяпти. Бунда биз — аҳли фуқаронинг қўлимиздан келгани — халақит бермаслик, иложи бўлса, яхши гаплар, яхши ниятлар билан кучига куч, қувватига қувват қўшиб туриш.

«Мулоқот»га мактублар

ИСЛОҲОТЛАР МАНБАИ — ИНСОН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Барча ислоҳотларнинг — иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат», — деб алоҳида таъкидлаганди.

Мустақил Ўзбекистон давлатида содир бўлаётган барча ислоҳотлар аввало инсон манфаатларига йўналтирилганлиги билан характерланади. Натижада янгича тамойиллар асосида инсон, жамият ва давлат муносабатлари қарор топмоқда.

Шу нуқтаи назардан масалага ёндашадиган бўлсак ижтимоий - иқтисодий ислоҳотлар инсон сиёсий фаоллигининг асосини ташкил этади. Инсон ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тарзининг ўзгариши, янги-янги соҳаларнинг пайдо бўлиши, фантехника даражасининг ошиши инсон фаоллигига моддий омиллар сифатида эмас, балки сиёсий омил сифатида ҳам таъсир кўрсатиши табиий.

Сиёсатнинг ижтимоий ҳаётга таъсири ана шу инсон, унинг манфаатларида яққолроқ намоён бўлади. Бунда сиёсат инсон манфаатларига мос тушиши ёки тушмаслиги мумкин. Бунда манфаатга қайси мезон билан ёндашиш сиёсатнинг субъективи сифатида, инсон ва турли ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро муносабатини барқарорлаштиришда муҳим бўгин ҳисобланади. Мустақиллик туфайли инсоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлар қўйидаги ҳолатларда ўз аксини топиши мумкин:

— мустақиллик туфайли сиёсатнинг моҳиятига янгича тамойиллар асосида қараш шаклланмоқда;

— инсон сиёсатнинг фаол субъектига айланиб бормоқда;

— сиёсий ҳаётнинг демократлашуви натижасида инсон жамиятни бошқаришда фаол иштирок этмоқда.

Хуллас, мустақиллик шароитида сиёсатнинг инсон тўғрисида ғамхўрлик қилиш даражаси ошиб бориши оқибатида инсон ақл — заковати ҳам теранлашиб, унинг ўзликни англаш ва намоён этиш қирралари кўпайиб бораверади.

Ибодулла КАРИМОВ,
ТошДУ аспиранти.

Қай биримизга ўтган асрларга қайтиш қизиқ туюлмайди дейсиз. Хўш, қадимги Миср бизда қандай таассурот қолдирган бўларди?

Фараз қилайликки, биз Эл-Умарондамиз. Қачонлардир ислоҳотчи фиръавн Эҳнатон Атондан ташқари ҳамма худоларни бекор қилган ва шу ерда янги пойтахт қурдирган.

Бироқ асрий тартибларни бу қадар бузиш коҳинларга ёқмасди ва фиръавннинг вафотидан сўнг мамлакат пойтахти қайта Фивага кўчирилди. Ислоҳотлардан эса ҳатто ном-нишон ҳам қолмади.

Геродот «Эл-Умаронлик эркаклар икки сидра, аёллар эса фақат бир қават кийим кияр эдилар», — деб ёзади. Ҳозирги нуқтаи назардан бу гирт адолатсизликдир. Бироқ аёлларнинг сурма тортган қошу кўзлари жуда офатижон бўлган. Ҳатто Мисрда сурмани шоирона «нафис аёл» деб номлашган.

Уйлар-чи, уйларнинг кўриниши қандай бўлган?! Ҳунармандларнинг қўлбалари кичик-кичик бўлиб деярли бир-биридан фарқ қилмасди. Лекин бадавлат мисрликларнинг соя-салқин боғларда жойлашган уйла-

МАМЛАКАТЛАР, ОДАМЛАР, ОДАТЛАР...

ри ҳақиқий қасрларга ўхшаб кетарди. Турар жой биноларида ички ҳовлилар, айвон вазифасини ўтайдиган ясси томлар мавжуд эди.

Тош порталга турли хил ёзувлар ўйиб ёзиларди. Улардан бирида шундай сўзлар битилганди: «Олий ҳазрат томонидан берилган билимни қалбида ташувчи бош меъмор ҳаётни яратган ва тутиб турган Амон (Қуёш)га ёлбориб, бинога ҳурматга лойиқ бўлиб кириб, севгига сазовор киши бўлиб чиқишига ёрлақашини сўрайди».

Уй ичига шифтни тўрт устун суяб турган йўлаклар орқали кирилар, зинапоя орқали иккинчи қаватдаги ётоқхоналарга чиқиларди. Бинонинг оққа бўялган деворларига гуллар сурати солинарди. Бирорта ойнаси йўқ, аммо чиройли сим тўр ва дарпардалар тутилган деразалар тўграсини чизилган гулчамбарлар ўраб турарди.

Платоннинг ёзишича, «Мисрликлар гўзалликни табиатда учраган ҳолича севадилар. Улар нилуфар шаклидаги қадаҳдан май ичганлар, фил суягидан ишланган ҳўкиз оёқли каравотларда ухлашган, дафналар шаклидаги устунлар эса юлдуз тўла самога ўхшаш шифтни кўтариб турган».

Бадавлат хонадонда дабдабали жиҳозлар бўларди. Стол ва стуллар кўп эди. Ҳар бир киши алоҳида столда овқатланишарди. Ким билади дейсиз, эҳтимол шуниси қулай бўлгандир. Овқат турлари эса сонсаноқсиз эди.

Ҳатто марҳумларга ҳам ёлғиз қулчаларнинг ўндан ортиқ тури, гўшт, мевалар қолдириларди.

Фиръавн Жолс даврида яшаган машҳур донишманд Диди қунига беш юздан ортиқ қулча ҳамда бузоқ гўштини тановвул қилиб, юз кўза пиво ичган.

Оддий халқ эса бу қадар тўкин дастурхонни тушида ҳам кўрмаган. Қошиқ, вилка, пичоқ сингари нарсаларни ишлатишни ҳам билмаган.

Эл-Умаронда ҳақиқатан ҳам гўзал нарсалар, баланд тагликка ўрнатилган мойчироқлар, кўзгулар учун жажжи ғилофлар, хушбўй мойли қути ва қутичалар бор эди.

Агар биз мана шу азим шаҳарда яшаганимизда ўзимизни қандай ҳис этган бўлар эдик? Ортиқча фол очишнинг ҳожати йўқ. Зеро, биз энг яхши давр деб ўзимиз яшаётган асрни ва энг ажойиб шаҳар деб ўзимиз кўрмаган шаҳарга айтишга одатланганмиз... Инсон табиати ўзи шунақа...

«МУЛОҚОТ» МУШТАРИЙЛАРИГА

1997 йилда ҳам мустақил ватанимизда мунтазам амалга оширилаётган иқтисод, сиёсат, маданият, маънавият соҳаларидаги муҳим ўзгаришлар «Мулоқот» журналининг эътиборида бўлади.

Янги йилда асрлар давомида мадрасаларда ўқитиб келинган маърифат чашмаси — «Чор китоб»нинг ўзбекча тўлиқ таржимасини бериш ниятидамиз.

1997 йилда «Маънавият пирлари», «Тасаввуф тариқатлари», «Истиқлол фидойилари», «Муқаддас шаҳарлар» рукнларида буюк алломалар ҳаёти ва аъмоли ҳамда башариятнинг табаррук шаҳарлари билан боғлиқ тарихий воқеалар билан танишасиз. Журналнинг зарварақларида Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Хожа Аҳрор Валий, Камолиддин Беҳзод сингари буюк алломаларнинг суратлари берилади.

Шунингдек, дунёдаги энг муқаддас китоблар — «Тавроти шариф», «Забур», «Инжил», «Қуръони мажид» ҳақида ҳаққоний тадқиқотлар берилади. Журнал ўз саҳифаларида Шайх Қаффоли Шоший, Шайх Зайниддин, Шайх Ховандн Таҳур, Жалолиддин Румий ва бошқа тариқат ва маърифат пирларининг ҳаёти ва аъмоли хусусидаги асарларни ҳам тақдим этади.

Журналнинг ижодий жамоаси шу тилакни билдирадики, тарбия, маърифат билан шуғулланувчи, жамоаларга раҳбарлик қилувчи минглаб зиёлилар бу дурдоналардан бехабар қолмасинлар.

ҚАДИМ ҲИНД ҲИКМАТЛАРИ

• Бошингга қилич келганда ҳам қилиш мумкин бўлмаган ишни адо этма, зарур ишни сира кечиктирма.

• Ўзингга мувофиқ бўлмаган ишни бошқаларга раво кўрма.

• Сен қилган эзгулик ишлар ўзингга фойда беради.

• Эртага қиладиган ишларингни бугун қил, пешиндан кейин қиладиган ишингни тушгача битир. Ўлим қайси ишни бажардинг, қайси бирни қолганини суриштириб ўтирмайди.

• Уч нарсада: севги, овқатланиш, пул йиғишда меъёридан ошма! Уч нарсада эса: ўқишда, ҳаракатчанликда, саҳийликда меъёрга қарама.

• Онанг ҳам, отанг ҳам, ўқитувчинг ҳам сен учун подшоҳдир.

Спорт

МУТЛАҚ ҒОЛИБ БЎЛДИ

Андижонда фарғонача кураш бўйича мамлакат чемпионати ўтказилди. Қизғин беллашувда наманганлик Бахтиёр Бозоров, фарғоналик Аҳмад Турақулов, Фахриддин Болтабоев, Тошкент вилоятидан Олимбек Файзуллаевлар муваффақият қозонишди. Мутлақ ғолиблик учун курашда Бахтиёр билан Олимбек ўзаро беллашдилар. Бунда Бахтиёрнинг қўли баланд келди.

ҚУРУҚ ҚАЙТМАДИ

Кубада бокс бўйича жаҳон биринчилигида қарийб 50 мамлакатдан 210 нафар спортчи иштирок этди. Ўзбекистонлик Амсел Есимбоев, Асқар Мамедов, Қайрат Бесенқулов, Абдували Шомирзаев ҳамда Руслан Чагаевлар юртимиз шаъни учун курашдилар. Осиё чемпиони, олимпиада иштирокчиси Руслан Чагаев курашни ярим финалгача давом эттириб, кейин имкониятни бой берди. У мусобақадан бронза медали билан қайтди.

ИККИТА ОЛТИН, БИР КУМУШ ВА ЯНА БРОНЗА

Оғир атлетика бўйича ешларнинг Жанубий Кореяда ўтказилган Осиё биринчилигида икки бор давлатимиз мадҳияси янгради. Шунингдек, спортчиларимиз яна биттадан кумуш ва бронза медалларига эга бўлишди. Чунончи, Фозилбек Урозимбетов даст кўтаришда 152,5, силтаб кўтаришда 195 килограммли н[illegible]жа билан ғолиблик супасига кўтарилди. Улуғбек Маҳмудов эса икки курашда 345 килограммли натижа кўрсатди. Бауржон Каздаевга бронза медали насиб этди.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Хафтанома».
*
8.30 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Сахна юлдузининг мунаввар ёғдуси». Фильм-концерт.
9.00 «Бозор иқтисодиёти асослари». Публицистик кўрсатув.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Бир ўлка-ки...».
10.30 «Оқ кема». Бадиий фильм.
12.05 «Жаннат оналар оёғи остидадур...»
12.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
13.00 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Ўзбекистон терма жамоаси I — Ўзбекистон терма жамоаси II.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.30 Дилнавоз садолар.
18.45 «Мозийдан садо».
19.05 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 Дилнавоз садолар.
21.40 «Вақт». Публицистик кўрсатув.
22.00 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар клуби.
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Истеъдод».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Палитра».
18.45 «Мультфейерверк».
19.05 «Услуб». Мода янгиликлари.
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон». Оҳанглар.
20.10 «Автосалон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Камертон». Шеърият.
21.10 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
21.40 «Курьер».
22.00 «Прайм-тайм».
22.10 «Спорт қитъаси».
22.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.20 — 00.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.55 Янгиликлар.
18.00 Эълонлар.
18.05 «Доира оҳанглари». Фильм-концерт.
18.25 «Шанба, якшанба, душанба». Бадиий фильм. 1-серия.

Россия жамоат телевидениеси
19.10—21.40

*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Қорачингил». Телефильм.

Россия давлат телевидениеси
23.00—23.30

*
23.30 Эълонлар.
23.35—23.40 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.45 «Мультқарусель».
19.05 «Умид».
19.35 Кечки сеанс. «Қўш хотин». Бадиий фильм (Ҳиндистон).
21.05 «Спорт-тайм».
21.35 Эълонлар.
21.40 «М»-хабар.
21.50 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
22.00 «Автосафар».
22.10 «Кимга қанақа?».
22.40 Эълонлар.
22.45 «Шлягер».
23.00 Эълонлар.
23.05—23.10 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Халқаро ногиронлар кунига. «Меҳр чечаклари».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Адабиёт.
*
12.00 Диққат, премьера: «Меҳригиё», «Ўзбектелефильм» маҳсулоти.
12.30 «Фазилат». Публицистик кўрсатув.
13.00 «Қизиқарли учрашувлар». Меъмор Абдуқаҳҳор Турдиев.
13.30 Ўзбек қўйларидан концерт.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Эълонлар.
18.10 Болалар учун. 1. «Табиатшуносларнинг клуби». 2. «Лазиз».
18.35 «Ботма, қуёш!». Публицистик кўрсатув.
18.55 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Соҳибқирон юртида». Ҳужжатли фильм.
19.05 Дилнавоз садолар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Матонат».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Оҳанглардан таралган меҳр».
21.40 «Замон».
21.50 «Юртим жамоли».
22.00 «Ўргимчак тури». Телесериал.
22.40 «Оқ йул ўрнида». XII Осиё ўйинлари. Футбол турнирининг финали. 1-тайм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Оқ йул ўрнида». XII Осиё ўйинлари. Футбол турнирининг финали. 2-тайм.
00.40 Тунги тароналар.
00.55—01.15 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.20 «Спорт қитъаси».
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 — 00.20 «Кинонигоҳ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.05 «Менинг филим бул». Мультфильм.
18.20 «Шанба, якшанба, душанба». Бадиий фильм. 2-серия.
*

Россия жамоат телевидениеси

7.30—9.00 «Телетонг».
***
19.10—21.40
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Жонли сайёра».
*

Россия давлат телевидениеси
22.55—23.25
*
23.25 Эълонлар.
23.30—23.35 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.20 «Сирдошим».
19.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.40 Эълонлар.
20.45 «Очиқ дарс».
21.15 «Озодлик номидан». Америка тарихи.
21.45 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
22.00 «ТВ IVда «Немис тулқини».
22.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.00 Эълонлар.
23.05 «Жиллет-спорт».
23.35—23.45 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Муҳаббат ихтиёр эт». Ака-ука Амирқуловлар.
8.50 «Сизга таъзим». Публицистик кўрсатув.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қутлов». Болалар учун қизиқарли дастур.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Табиёт.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Кимё.
*
12.00 «Халқ ардоғида». Кинодастур.
12.30 «Инсон ва замин». Тележурнал.
12.45 ЎзТВ хазинасидан. Туроб Тўла. «Нодирабегим». Муқимий номидаги Ўзбек мусиқа театрининг спектакли. 1-қисм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қочоқ велосипед». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан битта-дир...»
18.25 «Назар». Исроил қишлоқ хўжалиги.
18.40 «Табаррук қадамжолар». Нуротадаги Шоҳимардон ота мажмуаси.
19.00 «15 дақиқа спорт ҳақида».
19.15 «Автоолам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дилнавоз садолар». Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 Футбол. Осиё кубоги-96. Бирлашган Араб Амирликлари — Жанубий Корея терма командалари.
22.50 «Морена Клара». Телесериал.
23.35 Эълонлар.
23.40 «Ахборот».
00.05 Футбол. Осиё кубоги-96. Индонезия — Қувайт терма командалари.
01.35 Тунги тароналар.
01.45—01.55 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...»
20.10 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.45 «Спорт қитъаси».
23.30 «Дриблинг».
23.55— 00.25 «Дойче Велле» намойиш этади...

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонл

Обуначи бурчаги

БИР ҲОКИМ ҚИРГОЙИСИ

«Биз жуда яхши биламиз. Айрим туманларда... уй сотиш ва уй олиш, машина сотиш ва машина олиш масаласида айрим ҳокимларнинг иштаҳаси жуда зўрайиб, ҳаддан ошиб кетган».

(Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши сессиясида И. Каримов сўзлаган нутқдан).

Ҳокиммано, ҳокимман,
Кўринишдан сокинман.
Ўз манфаат, ўз фойдам —
Учун олғир лочинман.

Айтиб қўяй бошдан-да,
«Тоғ»ларим бор бошкентда,
Аларга суянгайман,
Телпак тор кеб шошганда.

Раҳбарчалар пилдирар,
Шилиб, менга пилдирар.
Ҳар соат, ҳар дақиқа
Кимлигимни билдирар.

Тўйсам ҳамки тўймас кўз,
Ўмганлайман демай сўз.
Ҳуфёна қилмишимдан
Авжга минди чўза-чўз.

Нафсим қўймас ўлгунча,
Кўз тупроққа тўлгунча.
Ҳаромдан топганларим
Эмасдир унча-бунча.

Ҳокиммано, ҳокимман,
Кўринишдан сокинман.
Ўз манфаат, ўз фойдам —
Учун олғир лочинман.

Ортиқ ҚИЛИЧ.

МОСКВАДА БЕРУНИЙ ҲАЙКАЛИ

Жаҳоннинг энг йирик олий ўқув юртларидан бўлмиш Ломоносов номли Москва давлат университетининг 24-28 қаватларида музей бор. Залларда, география, геология, минерология каби фан соҳаларига доир нодир экспонатлар ва фанда катта хизмат қилган машҳур олимларнинг портретлари, ҳайкаллари қўйилган.

Бинонинг 27-қаватидаги саккизинчи залга кирсангиз, бронзадан ишланган бир ҳайкал эътиборингизни ўзига тортади. Шарқ қарияларига хос қиёфали чуқур ўй ва мулоҳазаларда ўтирган нуроний шахс сиймоси тасвирланган мазкур ҳайкал тагида шундай сўзлар бор:

«973-1048. Хоразмлик энциклопедист олим Абу Райҳон Беруний. Ҳайкалтарош Н. П. Ходатаев».

Берунийнинг минераллар ички тузилишига оид қимматли фикрлари унинг ҳайкалини ясаш ва абадий хотира учун шу залга ўрнатишга асос бўлди. Университетда чиқадиган «Ер ҳаёти» илмий тўпламининг 1972 йилдаги 8-сонида «Ершунослик музейидаги олимлар портрети» сарлавҳали мақола босилган эди. Унда Абу Райҳон Беруний ҳайкали тўғрисида ҳам маълумот берилган.

Ҳайкалда Беруний яшаган даврдаги хоразмлик киши қиёфаси тўғри акс эттиришга уринилган. Хоразм халқининг урф-одати ва тарихини яхши билган атоқли археолог профессор С. П. Толстовнинг ҳам хизмати катта бўлди. Бу иш 1953-1954 йилларда унинг раҳбарлигида ҳайкалтарош Н. Ходатаевга топширилади. Ҳайкалтарош хоразмликлар калла суяги коллекциясини яхши ўрганади, машҳур антрополог М. Герасимов ишлари билан танишади.

Унинг бу ижодий изланишлари самарали якунланади. Ҳайкалда Берунийдек ажойиб олимнинг сиймоси тўғри ва тўла тасвирланган. Бу ҳайкал Марказий осиёлик буюк олимнинг фан хазинасини бойитишдаги хизмати дунёвий қимматга эгалиги рамзи сифатида қад ростлаб турибди.

КИМЛАР ГЕНЕРАЛИССИМУС БЎЛГАН?

Генералиссимус — бир қанча мамлакатларнинг қуролли кучларидаги олий ҳарбий унвондир. Бу унвон уруш вақтида бир қанча армияга, кўпинча иттифоқчи армияларга қўмондонлик қилган саркардаларга берилган. Шунингдек, ҳукмрон сулолаларга мансуб оилалардан бўлган кишиларга ва давлат арбобларига ҳам баъзан фахрий равишда генералиссимус унвони берилган.

1569 йили Франция қироли Карл IX ўз укаси — 18 яшар успиринга шундай унвонни тақдим қилган эди. Кейинчалик у Қирол Генрих III деб юритилган.

Бундан ташқари, қуйидагилар генералиссимус унвонига эга бўлишган: Францияда — герцог Г. де Гиз, шаҳзода Л. Конде, герцог Л. Виллер, герцог А. Ришалье, Австрияда граф А. Валенштейн, Россияда биринчи генералиссимус А. Шеин бўлган. Бу унвон Азов денгизи яқинида муваффақиятли жанглар олиб борганн учун А. Шеинга 1696 йил 28 июнида Петр I томонидан берилган.

Россияда бу унвон 1716 йили ҳарбий Низом бўйича расман жорий этилганди. Шундан кейин 1727 йили князь А. Меньшиков, 1740 йили шаҳзода А. Брауншвейский, 1779 йили буюк рус лашкарбошиси А. Суворов сазовор бўлди.

Собиқ Иттифоқда бу унвон 1945 йил 28 июнда кимга берилганини ўзингиз биларсиз?!

НИМА УЧУН 64 КАТАК?

Дарвоқе, шахмат тахтасида катаклар 64 та. Ундаги квадратлар ўзининг сеҳрли қаторига эга. Демак, улар шахмат доналарини вужудга келтирган ва ўйин воситасига айланган.

Қадимги Шарқда, шу жумладан, Ҳиндистонда 4 рақами муқаддас ҳисобланарди. 4 минг куб даражасига кўтарилиши, яъни 64 ҳам сеҳрли рақам деб битилган.

Қадимги Ҳиндистондаги астрономия, физика ва фалсафа билимларида 4 та табиий ҳодиса кўпроқ жонлантирилган дейиш мумкин. Бошқа бир қадимги халқларда бўлгани каби Ҳиндистондаги барча фалсафий оқимлар 4 унсур ёки табиий ҳодисани: ер, сув, олов, ҳавони бирламчи деб билганлар.

Эрамизнинг II асрида яшаган грек ёзувчиси Флавий Аррион ўзининг Ҳиндистон ҳақидаги китобида ўша даврдаги катта бир шаҳар деворида 570 та минора, 64 та дарвоза бор эди, деб ёзганди. Уни қаранг, ҳатто дарвозалар сони ҳам сеҳрли рақамга мослаб қурилган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, 4 рақами алоҳида ўрин тутган. Қадимги ҳинд адабиётларида ҳаёт 4 босқичдан иборат, 4 хил мавжудот бор, 4 та руҳий ҳолат, 4 ҳақиқат, 4 хил сиёсат, 4 хил овқат ва ҳоказо бор деб кўрсатилади. Демак, шахмат тахтасидаги катакларнинг миқдори сеҳрли бўлмиш ўша давр фалсафий оқими ва ғоясига мувофиқ равишда тузилган.

Ўрта асрларга келиб, катакларни оқ ва қора рангга аҳрата бошлашган. Лекин буни катакларнинг сеҳрли миқдорига ҳеч алоқаси йўқ.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

«Обуначи бурчаги» материалларини Қурбон ЭШМАТОВ саралади.

Ахборот технологиялари олами

ЗАМОНАВИЙ ТАРМОҚ

СИҚИҚ МАГИСТРАЛЬ

Ҳозирги вақтда йирик тармоқларни тузиш учун кўпинча «сиқиқ» магистраль (нуқтадаги магистраллар, collapsed backbone) архитектурасидан фойдаланилмоқда. Бундай ёндашув бўлинмалар ёки ишчи гуруҳларини кўприклар— маршрутизаторлар орқали боғловчи анъанавий тақсимот магистралини шундай тузилманинг барча хусусиятларига эга бўлган ва бир корпусда жойлашган қудратли ақлий қурилмага алмаштиришдан иборатдир.

Бундай ёндашув афзалликларига қуйидагиларни киритиш мумкин: қурилма ва конфигурациялашнинг анчагина енгиллашуви, носозликлар манбалари бўлмиш кўпдан-кўп фаол қурилмаларнинг йўқлиги, қурилма корпуси ичида янада юқори тезликдаги магистрални амалга ошириш имконияти, тармоқ бошқаруви жараёнини янада соддалаштириш.

3-4 йил муқаддам статистика тармоқнинг мантиқий бўлинмаларида — ишчи гуруҳларида — локал трафик устун турганлигини кўрсатди (унинг ҳиссасига узатилаётган ахборот жами ҳажмининг 80% гачаси тўғри келарди). Бунинг боиси ишлаб чиқаришни автоматлаштириш воситаларининг, хусусан мижоз — сервер режимида ишловчи воситаларнинг заиф ривожланганлиги эди. Бундай воситалар асосан локал, яъни ишчи ўринларининг берк гуруҳи ичида ишлатиларди. Гуруҳлар ўртасидаги ўзаро боғланиш шу тариқа заиф бўлиб, у амалда фақат файлларни юборишдан иборат эди.



СУРАТДА: «сиқилган магистраль» архитектурали ва сервер марказига эга бўлган тармоқнинг умумий кўриниши.

Ҳозирги вақтда мижоз — сервер режимида ишловчи ва кўп ҳолда бутун ташкилот фаолиятини функционал қамраб олувчи иловаларнинг оммавий тарқалиши муносабати билан биргаликда фойдаланиладиган серверлардан (файлли ва БД серверларидан) янада кенгроқ фойдаланиш тенденцияси вужудга келди. Бу шунга олиб келдики, трафикнинг асосий қисми ҳозирги вақтда ташқи (локал ишчи гуруҳга нисбатан) ахборот маконига (80%ига қадар) тўғри келмоқда. Оқимнинг бундай ўзгариши натижасида оширилган ўтказиш қобилияти бўлган магистралларга эҳтиёж туғилди.

Ҳозирги вақтда «сиқилган» магистраль архитектурасига эга бўлган тармоқларни яратиш учун қудратли ақлий қурилмалар қўлланилмоқда. Бу қурилмалар (Ethernet) сегментлари коммутацияси имкониятини серверлар, юксак унумли ишчи станциялар ва бошқа қурилмалар боғланиш учун илдам чиқиш мавжудлиги билан бирга ўзида мужассамлаштирган.

Локал тармоқларда коммутация технологияси

Яқин ўтмишда (кўпинча ҳозирда ҳам) локал тармоқлар одатда қандай қурилган? Компьютерлар бутун бир тизмаси умумий коаксиал кабелга уланар ва 10 МБ/с умумий ўтказиш қобилиятини бўлишга тўғри келарди. Сўнгра бу тизмалар умумий қонцентраторга уланарди ва энди ўнлаб, юзлаб компьютерлардан иборат бўлган бутун тармоқ ҳам ана шу ўтказиш қобилиятини бўлишарди. Шу боис тармоқни кўприклар ва маршрутизаторлар билан сегментлашга, серверларни улардан фойдаланаётган гуруҳларга яқинроқ жойга келтиришга тўғри келарди. Муаммо ечими локал тармоқлар протоколлари коммутацияси ихтисослаштирилган процессорлари (ASIC) кўринишида пайдо бўлди, улар бир неча кириш линияларини «ҳар бири ҳар бири билан» принципи асосида коммутация қилиши ва ҳар бир порт учун илдам ички шина ҳисобига 10 Мб/с ўтказиш қобилиятини (Ethernet) кафолатлаши мумкин. 3 Com фирмаси Ethernet, Fast Ethernet, Token Ring, FDDI, ATM тармоқларининг барча асосий протоколлари учун ASIC процессорларини яратди ва ишлаб чиқармоқда. Ана шу процессорларда эҳтиёт шарт коммутаторларнинг бутун бир мажмуи ишчи гуруҳлари учун арзон Ottice Connect 140 дан тортиб базавий ATM — CellPlex 7000 тармоқлари учун коммутаторлар тузилди.

Сервер марказлари

Сервер марказларини яратиш жараёни ташкилотнинг турли бўлинмаларида сочилиб кетган кўп сонли кичик ва ўрта серверлардан фойдаланишдан ягона ихтисослаштирилган марказда жойлашган ва бевосита сиқиқ магистраль марказий қурилмасига, кўп ҳолда янада юксак унумли тармоқ андозлари ёрдамида уланган, сони анчаҳина кам бўлган янада қудратли серверлар (ёки суперсерверлар)дан фойдаланишга ўтишдан иборат.

Сервер марказларини яратишнинг афзалликлари: асбоб — ускуналарни алмаштириш ёки янгилаш тартибининг осонлашуви, мураккабликни марказлаштириш, конфигурация ясаш ва бошқаришни талаб этувчи қурилмалар сонини қисқартириш.

Шавкат АЗИМОВ,
техника фанлари номзоди.
Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми келгуси шанбада).

(Боши газетанинг 23 ноябрь сонида).

"ТАРМОҚ АКАДЕМИЯСИ" ЎҚУВ МАРКАЗИ

Novell, Microsoft, SCO ва IBM нинг Муаллифлаштирилган Ўқув маркази ахборот технологиялари соҳасида юксак малакали мутахассисларни тайёрлайди.

ДИСТРИБУЦИЯ ДЕПАРТАМЕНТИ

Novell Inc, Microsort, IBM Corp., American Power Convertion, Hewlett Packard, Seiko Epson Corp., AST Research Inc., 3Com, ZyXEL каби ахборот технологиялари соҳасида ишлаётган жаҳондаги 30та энг йирик ишлаб чиқарувчиларнинг дистрибьютери ва ҳамкори ҳисобланади.

АЛОҚА ВА ЭЛЕКТР АСБОБ-УСКУНАЛАРИ ТИЗИМЛАРИ ДЕПАРТАМЕНТИ

Энг янги технологиялар асосида алоқа ва электр асбоб-ускуналари тизимларини лойиҳалаш ҳамда яратишни таъминлайди.

ЛАНИТ-ТА

ТИЗИМЛИ ИНТЕГРАЦИЯ ДЕПАРТАМЕНТИ

Мураккаб тармоқли тизимларни яратишга йўналтирилган.

МОЛИЯВИЙ ВА ОФИС ТИЗИМЛАРИ ДЕПАРТАМЕНТИ

Йирик корпоратив мижозлар учун ахборот тизимларини лойиҳалайди ва яратади.

"ЛАНИТ - КОНДИ" -ҲАВОНИ КОНДИЦИОНЕРЛАШ ТИЗИМЛАРИ ДЕПАРТАМЕНТИ

Ҳавони кондиционерлашнинг ишончли юксак сифатли тизимларини таклиф этади.

БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ДЕПАРТАМЕНТИ

Замонавий ахборот технологиялари асосида офис тўлов тизимларини ишлаб чиқади.

ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНМАСИ ТЕХНОЛОГИЯСИ ДЕПАРТАМЕНТИ

Ҳужжатларни ва ҳужжат айланмасини бошқариш учун комплекс ечимлар ишлаб чиқади.

Тошкентдаги ваколатхона: "ЛАНИТ-ТА" ҲЖ,700047, Тошкент, Гоголь кўчаси, 95.
Телефон/факс: (3712) 33-20-99, 30-45-36. E mail: inro@vealine. gimli. com
"ЛАНИТ" ҲЖ, Москва, Доброслободская кўчаси, 5.
Телефон: (095) 267-3038. Факс: (095) 216-5781.
E - mail: lanit@lanit. msk. su WWW: http:// www. lanit. msk. su/

«ВИРТЕХ-ОИЛ» ФИРМАСИ



ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

А-76 бензинини чекланмаган миқдорда сотади.
Кичик корхона ва ташкилотларга хусусий ёнилғи қуйиш шаҳобчалари орқали хизмат кўрсатади.
Ёнилғи маҳсулотларини ташиб бериш учун махсус автотранспортлар сизнинг хизматингизга мунтазир!

Манзил: Тошкент, Боткин кўчаси 5-уй.
(«Ташсельмаш» заводи бекати)
Тел: (3712) 67-44-60, 68-12-06.

(Давоми. Боши 3-бетда).

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Кекса санъаткорлар.
8.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Санъат гунчалари».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Математика.
*
12.00 «Эрга тегмангиз, қизлар». Бадиий фильм.
13.05 «Маърифат» видеоканали.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти қолдузлар».
18.30 «Синфдош».
18.50 Бизнес ҳафта якунлари.
19.00 «Тақдим».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.15 Футбол. Осиё кубоги-96. Япония — Сурия терма командалари.
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Осиё кубоги-96. ХХР — Ўзбекистон терма командалари.
01.35 Тунги тароналар.
01.45—01.55 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Боланинг тили...»
9.10 «Мульти-пульти».
9.30 Дилором наволар.
9.40 «Табиат шифохонаси».
9.50 «Таманно».
10.05 Мулоҳаза учун мавзу.
10.25 Дилором наволар.
10.30 Видео янгиликлари.
10.50 Видео — «О».
12.30—14.00 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 «Кинохроника».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Мусиқий ёлқа».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Рақурс».
21.20 Хит-парад ва Эълонлар.
22.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.50 «Спорт қитъаси».
23.30—00.10 «Сиздан ишорат».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Серафима ороли». Бадиий фильм.
*

Россия жамоат телевидениеси 7.30—9.00 «Телетонг».

***

19.15—21.40

*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Ассалом, мусиқа». Мусиқали кўрсатув.
*

Россия давлат телевидениеси 23.00—23.30

*
23.30 Эълонлар.
23.35—23.40 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Умид чечаклари».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.05 Эълонлар.
20.10 «Келинг, бир кулишайлик». «Уч тенгтак ҳангомаси». Бадиий фильм («Коламбия пикчерс», АҚШ). 1-серия.
20.40 «Коинот».
21.10 «Мусиқий меҳмонхона».
21.40 Эълонлар.
21.45 «Уй остонадан бошланади».
22.15 Араб эстрадаси.
23.15 «КВН-ассорти».
00.35—00.45 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 7

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Машрабни эслаб».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
10.30 «Халқ ижодиёти».
10.55 «Талабалар саҳнасида».
11.45 «Қувноқ стартлар».
12.30 «Ой камалаги». Бадиий фильм.
13.55—14.25 Эстрада тароналари.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Галла-96». Фильм-клип.
18.05 «Совга».
18.20 «Олам».
18.35 «Янги авлод танлайди».
18.55 Дилнавоз садолар.
19.05 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 Дилнавоз садолар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 Футбол. Осиё кубоги-96. Бирлашган Араб Амирликлари — Қувайт терма командалари.
22.50 «Устоз санъаткор». Ўзбекистон халқ артисти Туйчи Орипов.

«Тунги ёғду».

Дам олиш дастури:

23.20 «Куй ва тасвир».
23.35 Имкон чўққилари.
23.45 «Азиз Маҳмуд йўли». Бадиий фильм.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...»
9.20 «Кинохроника».
10.10 «Компьютер-Осиё».
10.30 «Мусиқий йўлка».
10.40 «Сиздан ишорат».
11.20 «Рақурс».
11.40 «Кинонигоҳ».
13.20—14.20 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Бугуннинг боласи».
18.20 «Жозиба».
18.35 Эълонлар.
18.40 «Жаноби Хилл ҳангомалари».
18.55 «Театр ҳақида ўйлар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Жозиба».
20.10 «Олтин кент».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми».

Дам олиш дастури:

21.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 Видео — «О».
23.20 «Зиндаги ёҳуд муҳаббат».
23.45—23.55 «Алмисоқдан қолган дўкон».

III

18.20 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*

Россия жамоат телевидениеси 18.25—21.35

*
21.35 «Матсалу қуриқхонаси». Телефильм.
*

Россия давлат телевидениеси 22.00—00.10

*
00.10—00.20 «Зардузлар». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 «Шанба эртаги».
10.20 Эълонлар.
10.25 «Комедиантлар».
10.45 «Спектаклдан сўнг».
11.10 «Ажойиб Париж». «Ассалом, Франция!» дастурига илова.
11.40 Эълонлар.
11.45 «Инсон». Халқаро ногиронлар кунига.
12.15 «Чинсэн».
12.45—14.05 Кининг олтин асри. «Уч эркак ва беланчакдаги чақалоқ». Бадиий фильм.
***
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Олам ва одам».
20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.35 «Беш дақиқа ўзим учун».
20.40 Эълонлар.
20.45 Кининг олтин асри. Ален Делон «Зорро» фильмида. 1-серия.
21.45 «Рақслар қанотида».
22.15 «Комедиантлар».
22.35 «Жиллет-спорт».
23.05 «Хит-коллекция».
23.25 «Бу ажиб дунё».
23.45 Эълонлар.
23.50—24.00 «Хайрли тун!».

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ЯКШАНБА, 8

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни!». Мусиқий композиция.
11.30 «Согломжон — полвонжон».
12.00 «Цирк! Цирк! Цирк!»
12.30 «Бахтимиз қомуси». Адабий кўрсатув.
12.50 «Ташриф». Дам олиш дастури.
13.20 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 19-куй.
14.00 Футбол. Осиё кубоги-96. Жанубий Корея — Индонезия терма командалари. 2-тайм.
14.45—15.45 «Нурли келажак». Усмирлар учун видеоканал.
* * *
17.35 Кўрсатувлар тартиби.
17.40 «Тошкент лавҳалари». Фильм-клип.
17.45 Болалар учун концерт.
17.55 «Озодлик». Видеофильм.
18.25 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
19.05 «Шахс ва бахс».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бу мунис лаҳзалар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Буюк келажак сари.
21.25 Футбол. Осиё кубоги-96. Саудия Арабистони — Ироқ терма командалари.
23.00 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 20-куй.
23.40 Эълонлар.
23.45 «Ҳафтанома».
00.15 Эълонлар.
00.20 Футбол. Осиё кубоги-96. Таиланд — Эрон терма командалари.
01.10 Тунги тароналар.
01.20—01.30 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Бугуннинг боласи».
9.20 «Жозиба».
9.35 «Жаноби Хилл ҳангомалари».
9.50 «Театр ҳақида ўйлар».
10.20 «Жозиба».
10.35 «Олтин кент».
10.50 «Зиндаги ёҳуд муҳаббат».
11.15 «Алмисоқдан қолган дўкон».
11.25—13.00 Видео — «О».
* * *
18.00 Бугун ТВ-2 дастурида.
18.05 Эълонлар.
18.10 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига. «Уфқлар». 1-қисм. «Муқаддима».
18.25 «Боланинг тили...»
18.35 «Мульти-пульти».
18.50 «Таманно».
19.00 «Дармон».
19.10 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига. «Уфқлар». 2-қисм. «Машаққатли йўл оша...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига. «Мулоҳаза учун мавзу». А. Очиловнинг муаллифлик курсатуви.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига. «Уфқлар». 3-қисм. «Шиддат».
21.20 Видео янгиликлари.
21.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.20 Видео — «О».
24.00 Дастур ниҳояси.

III

18.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*

Россия жамоат телевидениеси 18.15—23.00

*
23.00 Эълонлар.
23.05—23.30 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
11.20 «Клип-антракт».
11.25 «Дурдарҳан» телекомпаниясининг курсатувлари.
11.55 «Парле ву франсе?»
12.25 «Жонли сайёра».
12.45 «Афсона ва ҳақиқат». Ҳужжатли кино.
13.25 Мусиқий Олимп.
13.55 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
14.25 Киносалон. «Гаройиботлар цирки». Бадиий фильм.
15.55 «Иштирок этувчилар».
16.25 «Сенинг вақтинг».
16.55 «Дипкурьер».
17.10 «Телеташриф».
17.25 Эълонлар.
17.30 «Нуқтаи назар». Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига.
17.50 Мультэкран.
*
18.10—19.45 Туркия телевидениеси.
*
19.45 «ТВ IV да етти кун» (ўзбек тилида).
20.00 «Мульткарусель».
20.15 Эълонлар.
20.20 «Биргаликда куйлайлик».
21.05 «ТВ IV да етти кун» (рус тилида).
21.20 Кинопрофи. «Жаҳон кинематографияси янгиликлари».
21.50 Киносалон. «Фрэнсис». Бадиий фильм (АҚШ).
24.00 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин».
00.30 Эълонлар.
00.35—00.45 «Хайрли тун!».

ПРОД АЕМ АВТОБУСЫ

ТУРИСТИЧЕСКИЕ МЕЖДУНАРОДНЫЕ в Германии и Москве.

(095) 246-36-10 (днем), 420-60-28 (вечером).

Қибрайдаги «Буюк Турон» хусусий ғишт ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси корхона бош технологи Ғайратулла Аҳмедовга отаси **АСАТУЛЛО отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), **Аслиддин БОЛИЕВ** (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), **Владимир ЧЕБОТИН** (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), **Алимқул СУЛТОНОВ** (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), **Александр ТЮРИКОВ** (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳririят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0627

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА